

2013 I-VI  
№1-26

№5 NS

I жж.

ph

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

1  
(1059)-son

4-yanvar


www.xabar.uz  
info@xabar.uz

2013

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

**ЎЗБЕКISTO-  
НИМИЗНИНГ  
БУГУНГИ КУНДА  
БУТУН ДУНЁ ТАН  
ОЛАЁТГАН ЮКСАК  
МАРРАЛАРГА  
ЭРИШИШИДА,  
БИР СЎЗ БИЛАН  
АЙТГАНДА, ОБОД  
ВА ФАРОВОН  
ҲАЁТ БАРПО  
ЭТИШДА АВВАЛО  
ШУ САҲОВАТЛИ  
ЗАМИНДА ЯША-  
ЁТГАН ҲАР ҚАЙСИ  
ИНСОННИНГ МУ-  
НОСИБ ҲИССАСИ  
БОРЛИГИНИ, БУ  
ЮТУҚЛАРНИНГ  
БАРЧАСИГА ХАЛ-  
ҚИМИЗНИНГ КУН-  
ДАЛИК ОФИР ВА  
МАШАҚҚАТЛИ  
МЕҲНАТИ, МАРД-  
ЛИГИ ВА МАТОНА-  
ТИ, БИР ЁҚАДАН  
БОШ ЧИҚАРИБ,  
ЯГОНА ОИЛА  
БЎЛИБ, ЮРТИ-  
МИЗДА ҲУКМ СУ-  
РАЁТГАН ТИНЧ-  
ЛИК ВА ОСОЙИШ-  
ТАЛИКНИ, ЎЗАРО  
ҲУРМАТ ВА МЕҲР-  
ОҚИБАТНИ КЎЗ  
ҚОРАЧИФИДЕК  
АСРАБ ЯШАЁТГА-  
НИМИЗ МУСТАҲ-  
ҚАМ ЗАМИН  
БЎЛАЁТГАНИНИ  
ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТ-  
МАСЛИГИМИЗНИ  
ИСТАРДИМ.**

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти Ислам  
КАРИМОВнинг  
Ўзбекистон халқига  
Янги йил табригидан



**А**зиз муштарийлар, хойнаҳой, кўнчилигингиз филмларда кўрган бўлсангиз керак, компьютерда ишлаётган кинокахрамонлар жуда тез ва бехато ёзишади. Яширмайлик, уларга хавасимиз келади. Энди ўзимизнинг матн териш усулимизни кўз олдимизга келтирайлик-а: аввал клавиатурада керакли ҳарфни топамиз, экранга қараймиз, яна клавиатурага, ... шу тахлит матн териш игна билан қудуқ қазишдек машаққатли жараёнга айланиб кетади, иш унуми-

нинг пастлиги, хатолар, кўзининг толиқиши, бармоқлардаги оғриқлар... Иш суръатимизни ўша кинолардагига солиштирсак – ер билан осмонча фарқи кўрамыз. Аммо асло тушқунликка тушманг. Айтишадик: "кўз қўрқок – қўл ботир". Астойдил ҳаракат қилса, ҳар ким тез ёзиш маҳоратига эга бўлиши мумкин. Ўн бармоқда ёзиш усули – "фикр тезлигида ёзиш"ни истаганлар учун.

11-6er

## Алоқа оламида

### Африкада смартфон ва планшетлар чиқарилди

Қурилмалар маҳаллий муҳандислар томонидан маҳаллий лойиҳалар асосида маҳаллий сармоялар эвазига чиқарилмоқда. Битта лекин бор: қурилмалар Хитойда йиғилмоқда. Чунки у ерда йирик ишлаб чиқариш қуввати мавжуд бўлиб, таннархи анча арзон тушаркан.

Нархларига тўхталадиган бўлсак, масалан, Кениядаги VMK компаниясининг смартфонлари 170 доллардан, планшетлари эса 300 доллардан юқорилаб бораверади.



ISSN 2010-6424

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг сайти янгиланди ( www.ccitt.uz). Сайт эски (www.aci.uz) манзилда ҳам ишламоқда.





## Jumadan Jumagacha

Янги — 2013 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари Юртбошимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллашмоқда. Жумладан, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао, Козогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов, Буюк Британия Бош вазири Давид Камерон ва бошқалар янги йил табрикларини йўллашган. Табриқномалар келиши давом этмоқда.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қабури ҳақида белгилашган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервга бўшатиш тўғрисида"ги қарори чоп этилди.

2012 йилнинг 27 декабр куни Президентимизнинг ҳоси ва ташаббуси асосида Тошкент шаҳрининг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўп қаватли замонавий уйлارнинг фойдаланишга тошпириш маросими бўлиб ўтди.

2012 йилнинг 31 декабр куни Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида иккита янги — "Маданият ва маърифат" ҳамда "Дунё бўйлаб" телеканаллари ўз фаолиятини бошлади. Ушбу йирик лойиҳа Президентимизнинг 2012 йил 30 июлдаги "Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини кенгайтириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли тўлдириш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри солисти Раҳим Мирзақамоллов 2012 йилнинг 16-22 декабр кунлари Беларус Республикасининг пойтахти Минск шаҳрида ўтказилган "Competizione dell'Opera" халқаро вокалистлар танловида биринчи ўринни қўлга киритди. Мазкур танловда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан 150 нафар вокалист иштирок этди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган концерт бўлиб ўтди. Тадбирда Хитойнинг машҳур бадий жомаларидан бири бўлган "Мафтунок Синцзи" ансамбли томонидан ижро этилган раиғбаранг куй-қўшиқлар ва рақсларда Ваган, дўстлик, меҳнат, муҳаббат, табиат ва инсон ўртасидаги уйғунлик каби мавзулар тараннум этилди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида "Мустақкам оила йили Давлат дастури" ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда ёшларнинг икки юздан ортиқ шеърларини ўз ичига олган "Оила — қутлуғ боғим" шеърый тўплами ҳам тақдим этилди. Шунингдек, мазкур Давлат дастури доирасида "Менинг бизнес гоям" ва "Ёш тадбиркор — элга мададкор" танловлари ташкил этилди. Лойиҳанинг амалга оширилиши давомида ёшларга 14 миллиард сўмликдан ортиқ кредит ажратилди.



Жалолиддин РАХИМОВ,  
UZINFOCOM маркази директори:

## Янги лойиҳалар билан

Марказимиз томонидан давлат бошқаруви ва таълим соҳасида ҳамда бизнес жараёнларни таъминлашда кўплаб кизиқарли ва инновацион АТ-лоийҳалар амалга оширилиб келинмоқда. 2013 йилда ҳам олдимизга бир қатор муҳим вазифалар қўйилган.

Хукумат портали (www.gov.uz)ни модернизациялаш, Android ва iOS платформаларида унинг мобил иловасини ишлаб чиқиш ҳамда мобил версиясини такомиллаштириш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, коммунал, хўжалик ва тураржой фонди Портали (www.ek.uz)ни ривожлантириш ишлари давом эттирилади, хусусан, порталда ахборотлар таркиби кенгайтирилади ва аҳоли учун янги сервислар ҳамда хизматлар қўшилади.

Бундан ташқари, АКТ соҳасидаги uTube.uz, Fikr.uz, Tanlov.uz,

ID.UZ, Desk.uz, СМС-платформа, reestr.uz, uforum.uz, umail.uz, WWW.UZ каби марказнинг таълим ва ижтимоий лойиҳаларини ривожлантириш ҳамда уларнинг мобил қўшимчаларини ишлаб чиқиш яқин келажакнинг муҳим йўналишлари қилиб белгилаб олинди.

Desk.uzda фойдаланиш мумкин бўлган турли виджетлар ва сервислар умумий сонини кенгайтириш сайт лойиҳачиларининг яқин келажак режаларига киритилган. Бу Desk.uz лойиҳаси имкониятларини янада кенгайтириш ва бошланғич саҳифалар яратиш ҳамда самарали иш муҳитини ташкил қилиш учун қулай ва кенг йўналишли сервис сифатида унинг ўрнини мустаҳкамлашга имкон беради.

Ахборот хавфсизлигини ривожлантириш ва таъминлаш мақсадида ахборот хавфсизлигини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф қилиш учун давлат органлари ахборот ресурслари мониторинги тизimini яратиш режалаштирилмоқда. Дата-марказни ривожлантириш

бўйича мавжуд ускуналар асосида булутли технологияларни ривожлантириш, СМС-шлюз орқали опе-

ратив ахборотлар СМС-хабарлари хизмати платформасини яратиш, миллий телевидение дастурларини он-лайн намойиш этиш ҳамда dc.uz сайтида "Онлайн буюртма" хизматини татбиқ этиш бўйича ва бошқа ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, фойдаланувчилар учун қулайлик яратиш мақсадида .UZ (www.cctld.uz) юқори даража домен администратори сайтида доменларни банд қилиш, рўйхатга олувчиларни танлаш имконияти билан доменларни рўйхатга олиш, доменлар эгалари учун боғланиш, НС-серверларни қўшимча қилиш ва ўзгартриш ҳамда доменлар трансфери имконияти билан қатор он-лайн хизматлар амалга оширилади.

UZINFOCOM марказининг юқорида кўрсатилган ишлари ва лойиҳалари амалга оширилиши сўзсиз давлат бошқарувида, бизнес соҳасида ва мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида АКТ имкониятлари ҳамда устуликларидан янада кенг фойдаланишга ёрдам беради, деб ишонамиз.

## Кенг имкониятлар яратиш йўлида



Андрей МУСИЕНКО,  
"Ўзбектелеком" АК "Бизнесни  
ривожлантириш маркази"  
филиали бўлим бошлиғи:

— Аввало таъкидлаш керакки, "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиали 2012 йил учун режалаштирилган давлат, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятта эга лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширди. Табиийки, 2013 йил ва кейинги йилларда ҳам, қатор дастур ва ҳукумат қарорлари доирасида, бу ишлар янги босқичга кўтарилади.

Жумладан, "Ўзбектелеком" АК маҳаллий телекоммуникация тармоғини янги айланд технологияси (NGN) бўйича замонавийлаштириш ва ривожлантириш инвестиция лойиҳаси, FTТх тармоқларини куриш ишлари давом эттирилади. 2013-2014 йиллар мобайнида мамлакатимиз бўйлаб оптик толали линиялар асосида кенг полосали уялиш бўйича 120 мингдан ортиқ порти ишга тушириш режалаштирилган.

Бу каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши аҳоли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ва, албатта, йирик компанияларни кизиқтиришига ва улар бу имкониятлардан унумли фойдаланишига ишонамиз. Ўз-ўзидан, филиалнинг корпоратив сектордаги рақобатбардошлиги ҳам ошади.

"Электрон таълим" миллий тизими доирасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Чунинчи, шу пайтгача тизимга 80та объект уланган бўлса, 2013 йилда яна 84та ташкилот ва муассасани интернет орқали ўзаро боғлаш кўзда тутилган. Шунингдек, "Миллий ахборот-кутубхона тармоғи" ва "Электрон ҳукумат" (хусусий виртуал VPN тармоқлари, HD шаклдаги видеоконференцалоқа) лойиҳалари давом эттирилмоқда.

Булардан ташқари, филиал давлат ва тижорий аҳамиятта эга йирик лойиҳаларда иштирок этмоқда:

- IP-транспорт хизматлари ("ЙПХ мониторинги", "Биопаспорт", "НТТ", "Ўзбекистон кабел телевидениеси" лойиҳалари ва бошқалар);
- IP-транспорт ва бошқа хизматлар (UzKART, "Ўзбекистон хаво йўллари" МАК, "Ўзаэронавигация", Давлат божхона қўмитаси ва бошқалар);
- Кенг турдаги хизматлар ("Ўзавтосаноан", LUKOIL, Beeline, Ucell ва бошқа компаниялар).

## Замонавий педагог қандай бўлиши керак?



Насиба  
ТУРСУНХУЖАЕВА,  
Тошкент алоқа  
касб-хуна  
коллежи "Тиллар"  
кафедраси  
мудир:

— Ушбу саволга жавоб шуки, замонавий педагог умумбашарий билимларни эгаллаш билан биргаликда, ахборот технологияларининг барча турларини ишлата билиши лозим. Бунинг учун эса у, албатта, чет тилини билиши шарт. Шунинг учун ҳам кафедрамиз ўқитувчилари коллежимиз педагогларига чет тилларини ўргата бошлаган эдилар.

Биз, Тошкент алоқа касб-хуна коллежининг "Тиллар" кафедраси педагоглари ушбу йилни Президентимизнинг 2012 йил 11 декабрда қабул қилинган "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини тўлиқ амалга ошириш мақсадида махсус дастур тузишдан бошладик. Аввало, бажарилажак ишларни режалаштириб олдик. Унга кўра, кафедрамиздаги Дилдора Маликова, Алфия Яббаровна, Феруза Топшухамедова ҳамда Дилафрўз Тўракуловалар коллеждаги барча махсус фан ўқитувчиларини чет тилларига юқоридаги дастур асосида чуқурлаштириб ўргатадиган бўлдилар.



# қандай бошладингиз?

**Анвар ҒОҒУРОВ,**  
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари  
назорати бўйича давлат инспекцияси бошлиғи вазифасини  
вақтинча бажарувчи:



## Икки ҳисса масъулият

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги фармони асосида Давлат алоқа инспекцияси негизда "Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари нazorати бўйича давлат инспекцияси" ташкил этилиши зиммамизга жуда катта масъулият юклайди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида инспекциянинг иш режаси ишлаб чиқилмоқда ва унда кўплаб вазифалар белгиланган, улардан асосийлари куйидагилардан иборат:

- Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан 2013 йил учун тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига асосан 2013 йил давомида хўжалик юритувчи субъектларда режалар текширишларни сифатли ўтказилишини таъминлаш;
- Инспекция ходимларини

ҳуқуқий масалалар бўйича билимларини ошириш юзасидан семинарлар ташкил этилишини ва хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларида ўқитишни давом эттириш;

• ходимларнинг ҳамдўстлик давлатларида янги технологиялар ҳамда ахборот хавфсизлиги бўйича ўтказиладиган халқаро семинарларда ва кўргазмаларда иштирок этиши ҳамда малака ошириши;

• ходимларни янги технологиялар бўйича малака ошириш курсларида ўқитиш ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг тегишли корхоналарида амалий иш ўрганишларини ташкил этиш;

• давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида мақсадли кўрсаткичлар ва белгиланган меъёрларга мувофиқ ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш;

• давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан АКТ соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, ички меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши;

• жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва

терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан ички назорат тизимининг жорий этилиши;

• мобил алоқа тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш, радиочастота спектрдан фойдаланишнинг белгиланган меъёр ва қоидаларига риоя қилиниши юзасидан ўрганишлар ўтказиш;

• тадбиркорлик субъектлари фаолиятида учраётган муаммолар ечимини ва уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ташкил этилган "Очиқ эшиклар куни" тадбирларини давом эттириш;

• алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида истеъмолчиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида учрайдиган муаммолар ечимлари юзасидан оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларини давом эттириш.

2013 йилни шу каби қатор режалар ва вазифалар, қисқа қилиб айтганда, икки ҳисса масъулият билан бошлаяпмиз.



**Қаҳрамон САРИМСОҚОВ,**  
"Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали қасаба уюшмаси қўмитаси раиси:

— Хар қандай юмуш ҳам режа билан пухта ва мукамалдир. Айниқса, бу қасаба уюшмалари қўмиталари учун жуда муҳимдир. Чунки, қандай соҳани олмайлик, унда инсонлар меҳнат қилади. Уларни хар томонлама муҳофаза қилиш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий қўллаб-қувватлаш бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда хар бир йилни яқунлашдан олдин келгуси йилда амалга ошириладиган ишларни тартиблаб, алоҳида режа тузиб оламиз. Бу йил ҳам ушбу анъанага содиқ ҳолда кўтаринки руҳ билан иш бошладик. Мустақкам оила йилни филиалимизда хар жабада улкан ютуқлар билан яқунладик. Албатта, ютуқлар ўзимизники. Мақсадимиз янги йилда бундан-да кўпроқ муваффақиятларга эришиш. Жорий йил Обод турмуш йили дея эътироф этилган экан, филиалимиз ва унинг ўнга боғламасида меҳнат қилаётган 1500га яқин ходимларимиз турмушларини янада фаровон қилиш энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади. Зеро, турмушдан қўнгли тўқ, оиласидан хотиржам ходимгина ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиб меҳнат қилади.

## Улуғвор вазифалар

2013 йилда почта соҳаси ходимлари иш фаолиятида бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилади

Соҳадаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлганидек, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Бухоро филиалида ҳам почта алоқаси соҳасини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида 2012 йил давомида олиб борилган барча ишлар, табиийки, янги 2013 йилда ҳам изчил давом эттирилади.

Тарих саҳифаларидан муносиб жой олган 2012 йилда почта соҳаси ходимлари иш фаолиятида ҳам бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилдики, бу, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини яхшилашда муҳим ўрин тутди. Соҳада электрон пул ўтказмалари тизимининг янада такомиллаштирилганлиги, 2012 йилнинг март ойидан бошлаб гибрид пул ўтказмалари тизимининг жорий этилганлиги ва июн ойидан пул тўловларини тўлиқ электрон шаклда қабул қилишнинг йўлга қўйилганлиги эътиборга сазовор. Бундан ташқари, тўловларни қабул қилиш автоматлаштирилган тизими, шунингдек, рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар соҳада хизматлар турларини янада кенгайтириш ва қўшимча даромадларни

оширишга хизмат қилиши турган гап.

Президентимизнинг 2012 йил 10 майда қабул қилинган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган параметрларга асосан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Бухоро филиалида ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш мақсадида етти та почта алоқаси объектида "Paynet" тизимига уланиш ва битта компютер техникаси, мобил телефонлар ва бошқа техникаларни тузатиш шохобчаларини ташкил этган ҳолда даромадларни оширишга эришилганлигини ҳам шу ўринда тилга олиб ўтиш лозим.

Ҳеч шубҳасиз, почта алоқаси соҳасини ривожлантириш йўналишида 2013 йилда филиал бўйича бир қатор



у с - тувор вазифаларни бажариш режалаштирилган бўлиб, бу турган гапки, аҳил жамoadан бутун куч, имконият, тўпланган бой тажриба ва маҳоратни ишга солиб фаолият олиб боришни такозо этади. Жойлардаги почта алоқаси бўлимларининг иш ўринларини автоматлаштириш ва мавжуд тизимларни кенгайтириш мақсадида уларни ком-

пютер техникаси билан таъминлаш, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан модернизацияланган "Тўловларни қабул қилиш автоматлаштирилган тизимига ("Ўзбекэнерго" ДАК биллинг тизимига) ушбу ДАК билан алоҳида режа-жадвал асосида босқичма-босқич почта алоқаси бўлимларини боғлаш, "Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати автоматлаштирилган тизими" дастурини Молия вазирлиги ҳузуридаги пенсия жамағармаси томонидан яратилган "Пенсия" дастурига алоҳида режа-жадвал асосида навбатма-навбат почта алоқаси объектларини боғлаш ҳамда "ЎзМобайл" филиали билан дилерлик шартномасини тузиб, почта алоқаси бўлимларида мобил телефонларни сотиш шохобчалари ишини йўлга қўйиш сингари вазифалар шулар жумласидандир. Бугунги кунда филиалда давом этаётган кундалик жўшқин меҳнат белгиланган барча мақсад-вазифаларнинг юртимизга кириб келган янги 2013 йилда ҳам оғишмай ва ўз вақтида урдаланишидан дарак бериб турибди.

**Аскар ИСТАМОВ,**  
"Хабар"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири



# 2012 йилни қандай

Йил давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, олдинда турган муҳим вазифаларни келгуси йил режаларига киритиш "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясида аънаога айланган. Янги — Обод турмуш йили бошланган илк кунларда компания бош директори Сувон НАЖБИДИНОВ муҳбиримизга ўтган 2012 йилда компанияда олиб борилган ишлар ва келгуси режалар ҳақида куйидагиларни гапириб берди:

— Компаниямиз тизимдаги корхоналарда вақтли матбуот нашрларини истеъмолчига тез ва сифатли етказиб бериш, аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатиш сифатини янада тақомиллаштиришни таъминлаш ҳамда тизимни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида қабул қилинган "2011-2014 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини жорий этиш Дастури"нинг асосий йўналишлари бўйича 2012 йилда режалаштирилган ишлар тўлиқ амалга оширилди.

Компания тизимдаги ва ҳамкор корхоналар билан биргаликда жорий йилда компания обуна каталоги бўйича газета ва журналларга жами 43,0 млрд. сўмлик обуна қабул қилинди.

Компания ва тизимдаги корхоналар томонидан чакана савдо тизими орқали жами 26,3 млрд. сўмлик газета ва журналлар муштарийларга тарқатилди.

Республика даврий нашрларини муштарийларга обуна орқали етказиб бериш ҳолати бўйича мониторинг олиб борилди.

Даврий нашрларга обунани уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида республикамиздаги барча вазириклар, идора, ташкилот, ҳокимликлар ҳамда корхоналарга обуна каталоглари етказилди. 2012 йил учун обунани самарали ўтказиш мақсадида рекламага алоҳида аҳамият берилди.

Режага мувофиқ, 2012 йилда Тошкент шаҳри туманларининг аҳоли гавжум жойларига 43та ҳамда вилоят туманларига 55та, жами 98та янги "Матбуот" дўконлари жойлаштирилди.

Вилоят корхоналарининг 2012 йил учун обуна буюртмалари компания серверидаги ягона обуна базасига жамланди. Компания ягона обуна базасини 2013 йил учун қабул қилинадиган

ларини сотиб олиш, мавжудларини янгилаш ва вилоят корхоналари туман бўлинмаларига жойлаштириш белгиланган бўлиб, йил давомида режадаги микдорда компютер техникалари сотиб олинди.


Компаниянинг веб-сайтига (www.akmt.uz) 2013 йил учун жой-

телефонларига тўлов карталари сотуви, телефон-факс ва нусха кўчириш каби қўшимча хизмат турлари ривожлантирилди.

"Матбуот тарқатувчи" АК тасаруфидаги "Матбуот" дўконлари сотувчилари ва ижарачи-тадбиркорларнинг ўз фаолиятларига бўлган қизи-

## Ҳаммаси кўнгилдагидай

"Матбуот тарқатувчи" АК ва тизимдаги корхоналар томонидан 2012 йилда чакана савдо тизими орқали 26,3 млрд. сўмлик газета ва журналлар тарқатилди



буюртмалар ҳисобига янгиланган бориш ишлари давом эттирилмоқда.

Юқоридаги Дастурнинг ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирларда компютер техника-

лаштирилган обуна каталоглари ҳамда нашрлар бўйича маълумотлар, обуна қабул қилувчи "Матбуот" дўконлари рўйхати ҳамда 2013 йил обунаси бўйича тезкор маълумотлар киритилиб, мунтазам янгиланган боришмоқда.

Компания веб-сайтидан фойдаланган ҳолда даврий нашрларга интернет орқали обуна қабул қилиш йўлга қўйилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш мақсадида "Матбуот" дўконларида интернет ҳамда халқаро телефон сўзлашув карталари, аудио-видео дисклари, уяли алоқа

кишини кучайтириш, савдо қондаларини билиш даражаси, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш ҳамда компания томонидан "Матбуот" дўкони сотувчиси вазифасига янада эътиборни ошириш мақсадида жорий йилда ҳам "Энг мохир "Матбуот" дўкони сотувчиси" ҳамда сараловчи-экспедиторлар орасида "Энг мохир нашрлар сараловчиси" кўрик-танловлари ўтказилиб, раҳибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Обод турмуш йилида компаниямиз олдида Даврий нашрлар тарқатиш тизимини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, концепция асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш, 2013 йил обуна кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаш, ходимлар малакасини доимий ошириб бориш, кадрлар тайёрлаш йўналишида ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш, тизимга бириктирилган олий ўқув юрталари ва коллежлар ўқувчилари ва битирувчиларининг компания корхоналарида амалиёт ўтказишларини ҳамда ишга жойлаштиришларини таъминлаш каби муҳим вазифалар турибди. Компаниямиз ходимлари бу вазифаларни ҳам тўлиқ адо этадилар. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

Муборак МИРКАМОЛОВА  
ёзиб олди

**2012 йилда Тошкент шаҳрининг аҳоли гавжум жойларига 43та ҳамда вилоят туманларига 55та — жами 98та янги дўкон жойлаштирилди.**

Йигирма биринчи аср ҳақиқатан ҳам алоқа оламида улкан ўзгаришлар, юксак чўққиларни эгаллашга интилишлар замони десак, асло муболага бўлмайд.

Биргина почта алоқаси хизматини боладиган бўлсак, бир вақтлар фақат газета ва журналларни обуначиларга етказиш, пенсия тарқатиш билан чегараланган соҳамиз ходимлари бутун қўллаб илғор ва тезкор хизмат турларини эгаллаш билан жаҳон андозаларига мос ривожланиш босқичларига етгани, даврга мос равишда кадам ташлаётганлигини ғурур билан эътироф этиш мумкин.

Мен ҳам ана шу катта карвонда замондошларимизга намунали хизмат кўрсатаётганимдан жуда мамнунман.

Айни пайтда филиалнинг почта ало-

қасини ташкил этиш бўлимида пул ўтказмалари назоратчи муҳандиси сифатида фаолият кўрсатялман. Йилдан-йилга иш ҳажми ҳам, хизмат турлари ҳам ортиб бормоқда.

Электрон пул ўтказмаларидан мижозларимиз тезкорлиги, қулайлиги, арзонлиги боис, муаммосиз фойдаланмоқда. Турли шахарларда тахсил олаётган талабаларнинг ота-оналари, айниқса, бу хизматдан кўпроқ фойдаланаётганлигидан биз ҳам хурсандимиз.

2012 йилнинг яхши янгилликларидан бири сифатида гибрид пул ўтказмалари

жорий этилганлигини айтиш мумкин. Бунда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан пул ўтказмаларини эгалари санокли дақиқаларда олиш имкониятига эга бўлишди. Бу услуб халқаро андозаларга мослиги билан соҳанинг нуфузи ва обрўсини янада оширмоқда.

Мен учун ҳар йилнинг бир хосияти ва муваффақияти бор. 2010 йилги республика соҳа аёллари ўртасида ўтказилган шахмат-шашка мусобақаларида совриндорлар сафида биз навоийлик алоқачилар ҳам бор эдик. Ўтган йили самарали меҳнатларимиз учун филиалнинг фахрий

ёрлиги билан тақдирландим.

Ўтган йилда орттирган тажрибамиз, янгиллик ва яхшиликларни янада бойитиб, 2013 йилда ҳам давом эттириш ва ривожлантиришимиз аниқ.

Одамлар ишончи ва миннатдорлиги биз соҳа ходимлари учун катта муқофот эканлигини ҳеч қачон унутмаймиз.

Янги йил ҳаммамиз учун бахт ва омадлар йили бўлсин!

Ўғиллой АСАТОВА,  
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ  
Навоий филиали пул ўтказмалари  
назоратчи муҳандиси

## Ёруғ юз билан

Sony компанияси Playstation 2 ўйин қурилмалари чиқаришни тўхтатади.



# ЯКУНЛАДИНГИЗ?

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган субъектларнинг консалтинг хизматларига бўлган талабларини қондириш мақсадида "O'zAloqaKonsalting" МСҲ, кучли рақобатли бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда, буюртмачиларга ўзининг қатор хизматларини, инжиниринг ишларини таклиф этиб, йил якуни бўйича олдинга қўйилган бизнес-режа кўрсаткичларини ошириб бажаришга эришди. Дастлабки таҳлиллар натижалари консалтинг хизматлари кўрсатилган субъектлар сони ўтган йилга нисбатан 30 фоизга, олинган даромад миқдори 144 фоизга ўсганини кўрсатмоқда.

Жамиятимиз фаолиятининг асосий қисми лицензиялар асосида олиб борилади ва маҳаллий ҳамда шаҳарлараро телекоммуникация, маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, техник хизмат кўрсатиш, телерадиоузатиш тармоқларини лойиҳалаш ва ённинг автоматик тарзда ўчириш, хабарлаш ва қўриқлаш қурилмаларини лойиҳалаш, жиҳозлаш, солаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда қурилиш лойиҳалари экспертизасини ўтказиш каби лицензияларга эгамиз.

Жамият ходимлари йил давомида 30дан ортиқ субъектларни маълумотлар ва норматив ҳужжатлар билан таъминладилар. Шунингдек, 73та инфокоммуникация технологияларига оид ҳужжатлар лойиҳалари экспертизадан ўтказилди, 2та норматив ҳуж-

жат лойиҳалари ишлаб чиқилди ва амалга киритиш учун тақдим этилди, 17 марта тендер савдоларини ўтказишда жамиятимиз тендер комиссиясининг ишчи органи вазифасини бажарди ва 11та қурилиш лойиҳаси экспертизадан ўтказилди. 10та Инвестиция дастурига Дастлабки техник-иктисодий асослаш, техник-иктисодий асослар ва техник-иктисодий ҳисоблаш ҳужжатлари ишлаб чиқилди ҳамда белгиланган тартибда экс-

нинг ишчанлиги ва малакасига қўй жихатдан боқдик. Етақчи мутахассислардан Н.Қодиров, Ж.Жалилов, Г.Ахмадеева, А.Мингирова, Р.Раҳимжоновалар келажаги порлоқ ёшлардан ҳисобланишди. Улар ўз устозлари — тажрибали, юқори малакали бўлим бошлиқлари ва бош мутахассислардан Н.Алиева, Ш.Якубов, И.Железнов, Н.Агишевлардан миннатдорлар.

Янги 2013 йил учун бизнес-режаларимиз ишлаб чиқилган ва жамият

## Субъектлар ҳам, даромад ҳам кўпайди

пертизадан ўтказилиб, амалга киритилишида консалтинг хизматлари кўрсатилди, 5та маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ишлари бажарилди.

Жамиятимизда қўлга киритилаётган муваффақиятлар ходимларимиз-

**Консалтинг хизматлари кўрсатилган субъектлар сони ўтган йилга нисбатан 30 фоизга, олинган даромад миқдори 144 фоизга ўсди.**

иштирокчилари дастлабки тасдиқдан ўтган. Бизнес-режада хизматлар турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини пасаитириш, хизматлар ҳажминини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, жамият фаолиятига кўпроқ ёш мутахассисларни жалб этиш, ходимлар ойллик маошларини кўпайтириш, талаб даражасидаги иш шароит ва ўринларини яратиш, оила, маҳалла, жамият ва юрт ободлигига эришишда муносиб ҳисса қўшиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

**Тоҳир БЕКМЕТОВ**  
"O'zaloqaKonsalting" МЧЖ директори

## Инглиз тилини ўргандим

Обод мамлакат, обод турмуш, обод оила, обод ҳаёт — қанча-қанча янги мақсад ва истаклар ҳамнафас янги 2013 йилга. Филиалимиздаги қилинган ишлар, режалаштирилаётган лойиҳа ва янгиликларни қанча гапирсак шунча оз.

Филиалимиз томонидан якунланган йилда 2013 йилга муносиб совға бўладиган анча ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоятимизнинг Қосонсой, Уйчи, Янгиқўрғон ва Учқўрғон туманларида оптик толали кабел ўрнатиш ишлари жадал олиб борилди. Миқдоримизга кўрсатаётган хизмат турларимиздан ташқари, "ЎзМобайл" телефонлари ва рақамли телевидение аҳолига қулайлик яратгани ҳеч кимга сир эмас. Биргина "Ягона ойна"шоҳобчаларини бир неча туман ва шаҳарларимизда очилиши аҳолига муносиб хизматлар кўрсатилаётганидан дарак.

"Ўзбектелеком" АК телекоммуникация тармоғини кенгайтириш ва модернизация қилиш лойиҳаси доирасида филиалимизда NGN технологияси фойдаланишга киритилди. Бундан ташқари, Қосонсой, Янгиқўрғон, Учқўрғон, Уйчи ва Тошбулоқ туманларида қишлоқ автомат телефон станцияларининг ишга туширилиши миқозлар олқишига сазовор бўлди. Чуст шаҳрида янги ишга тушган АТС 808 нафар абонентга сифатли хизмат кўрсатаяпти.

Юртбошимиз 2013 йилни Обод турмуш йили деб эълон қилгани ҳар биримизга энг эзгу ишларни амалга оширишга куч-қувват берди. Излаган имкон топади деганларидек, турмушимизни чиройли қилиш ўз қўлимизда. Бунга ишондилик интилиш ва хоҳиш бўлса, кифоя. Аёл ва турмуш ободлиги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Оқила аёл бола тарбияси, иш, рўзгор билан биргаликда, ўқиб-изланиб, оиласини эл-юртга яхши ном билан танитади. Президентимизнинг "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори биз каби тил ўрганишни хоҳловчиларга аини муқддо бўлди. Олти ой давомида инглиз тилини ўрганиш курсини битириб, сертификатлар олдик.

Мен мамлакатимиз алоқачиларига 2013 йилда омад ва бахт, соғ-саломатлик ҳамда илм ва изланишларда юксак чўққиларни эгаллаб, Обод турмуш йўлида қилаётган меҳнатлари роҳатини кўришларини тилаб қоламан.

**Муяссар ИБРОҲИМОВА,**  
"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали бош диспетчери

## Янги марралар забт этилди!

"Телеком Инвест" филиали фаолияти давомида жами 398,939 км. оптик толали алоқа линияларини қуришга эришди

Мана икки йилдики, "Ўзбектелеком" АКнинг "Телеком Инвест" филиали республикамиз бўйлаб телекоммуникация транспорт тармоғини кенгайтириш, ривожлантириш ва модернизация қилиш, Ўзбекистон Республикасининг "Электрон таълим" миллий тизимини қуриш лойиҳаси доирасида видеоалоқа тизимини жорий этиш, "ҲТГх" лойиҳаларида, йўл-патрул хизматлари масканларига оптик толали алоқа линияларини қуриш-монтаж қилиш ишларида фаол иштирок этиб, алоқа соҳасида муносиб ўрин эгаллади.

Ўтган 2012 йилда ҳам жамоамиз билан салмоқли ишларни амалга оширдик. Жумладан, бош пудратчи сифатида пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Полковник Хўжаев кўчаси, 2-уйда жойлашган тўрт қаватли маъмурий бионинг мукамал таъмирлаш ишларини муваффақиятли якунладик. Илчи қабул комиссиясидан ўтган ушбу ҳашаматли ва кўркам бино ҳозирги кунда ўз иш фаолиятини олиб бориши учун Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари назорати бўйича давлат инспекцияси (ДАИ)га топширилди.

"Телеком Инвест" филиали ўзининг иш фаолияти давомида аксарият қурилишларни "Алоқалоиҳа"



давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб келса-да, асосий йирик қурилишларни, яъни республика транспорт тармоғини янада кенгайтириш, иш сифатини ошириш, аҳолига сифатли алоқа кўрсатиш ҳамда узлуксиз алоқани таъминлаш, транспорт тармоғини захиралаш ишларида буюртмачи "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Шунингдек, мазкур объектлар қурилишида субпудратчи ташкилотлардан бири —

"Алоқа Инвест" МЧЖ ва унинг таркибий бўлинмаларининг қўшган хиссалари жуда катталигини айтиб ўтиш лозим.

Шу ўринда, филиалнинг ишлаб чиқариш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида "Ўзбектелеком" АК томонидан иккита "Белорус" русумли роторли трактор, иккита "Hunday" ва "Wolvo" русумли экскаватор, шунингдек, кабел ётқизиш, оптик толали алоқа кабелларини ўдлаш ва бир-бирига улаш учун замонавий асбоб-ускуналар жамланмаси ажратиб берилганини ҳам ўтган йилда эришган ютуқларимиз қаторига қўшсак арзийди. Ушбу махсус қурилиш техниклари ёрдамида филиалимизнинг йирик қурилиш корхоналари билан рақобатлаша олишига ишонамиз.

Айни дамда "Телеком Инвест" филиали 2010-2012 йиллар учун "Ўзбектелеком" АКнинг манзиллий рўйхати ҳамда Инвестиция лойиҳасига киритилган қурилиш объектларини белгиланган муддатларда бажариб, 2013 йилда режалаштирилаётган қурилиш ишларига ҳар жихатдан шай бўлиб турибди.

**Ноҳир ТУРСУНОВ,**  
"Телеком Инвест" филиали директори биринчи ўринбосари



# Новые почтовые марки

## "Чаткальский государственный биосферный заповедник"

ОАО "Узбекистон почтаси" подготовлена, Государственным комитетом связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан введена в обращение с 28 декабря 2012 года серия почтовых марок "Чаткальский государственный биосферный заповедник".



№1062 №1063

Серия состоит из 4 почтовых марок и 1 почтового блока. На почтовых марках изображены редкие животные, которые живут и обитают на территории Узбекистана и занесены в Красную книгу Республики Узбекистан.

На почтовом блоке, на фоне горного пейзажа расположены 2 почтовые марки. На нижней части почтового блока надпись на узбекском языке в латинской графике "CHOTQOL DAVLAT BIOSFERA QO'RIQXONASI". Названия животных даны на латинском языке.

Почтовые марки и почтовый блок многоцветные. Печать офсетная. Перфорация почтовых марок гребенчатая. Размер почтовых марок 42x30 мм. Размер блока 100x80мм. Размер почтовой марки в блоке 30x42мм. Присвоены идентификационные номера и установлены номиналы.



№1058



№1059



№1060



№1061

1058. "Trichius fasciatus" (Восковик полосатый) Номинал — 800 сум

1059. "Juno tubergeniana" (Юнона Тубергена) Номинал — 900 сум

1060. "Bubo bubo" (Филин) Номинал — 1000 сум

1061. "Ursus arctos isabellinus" (Тянь-Шанский бурый медведь) Номинал — 1200 сум

Тираж почтовых марок по 10 тыс. экз.

1062. "Marmota menzbieri" (Сурок Мензбира) Номинал — 1000 сум


1063. "Marmota menzbieri" (Сурок Мензбира) Номинал — 1900 сум

Тираж почтового блока 7 тыс. экз.

Дизайнер — Зуев А.

## "Ташкентский зоопарк"

ОАО "Узбекистон почтаси" подготовлена, Государственным комитетом связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан введена в обращение с 28 декабря 2012 года серия почтовых марок "Ташкентский зоопарк".



№1057

Серия состоит из 3 почтовых марок и 1 почтового блока. На почтовых марках изображены животные, обитающие в Ташкентском зоопарке.

На левой стороне почтового блока надпись на узбекском языке в латинской графике "TOSHKENT HAYVONOT BO'GI". Почтовые марки и почтовый блок многоцветные. Печать офсетная. Перфорация почтовых марок гребенчатая. Размер почтовых марок 30x42 мм. Размер блока 110x80мм. Размер почтовых марок в блоке 30x42мм.

Присвоены идентификационные номера и установлены номиналы.



№1054



№1055



№1056

1054. "Threskiornis aethiopicus" (Ибис священный) Номинал — 400 сум

1055. "Dolichotis patagonum" (Пагонская мара) Номинал — 800 сум

1056. "Struthio camelus" (Африканский страус) Номинал — 1000 сум

Тираж почтовых марок по 10 тыс. экз.

1057. "Elephas maximus" (Азиатский слон) Номинал — 1200 сум

Тираж почтового блока 7 тыс. экз.

Художник — Ган З.

Дизайнер — Карцевич Е.

## В МИРЕ

### 246 МИЛЛИОНОВ ДОМЕНОВ В МИРЕ

Компания Verisign опубликовала свежий статистический отчет о развитии доменной индустрии по итогам третьего квартала 2012 года.

Сегодня в мире зарегистрировано 246 млн. доменных имен. По сравнению с результатами второго квартала 2012 года эта цифра увеличилась почти на 6 млн. или 2,4%, с аналогичным периодом предыдущего года — на 12%.

На доменные имена, зарегистрированные в национальных доменных зонах (ccTLD), приходится 105 млн. За год этот показатель увеличился почти на 21%. Интересно, что такое же количество доменов зарегистрировано и в самой популярной на сегодняшний день зоне — .COM.

### ТОП-10 ДОМЕНОВ ВЕРХНЕГО УРОВНЯ

- 1 .com
- 2 .de (Германия)
- 3 .net
- 4 .tk (Токелау)
- 5 .uk (Великобритания)
- 6 .org
- 7 .info
- 8 .cn (Китай)
- 9 .nl (Нидерланды)
- 10 .ru (Россия)

### SONY ГОТОВИТ К РЕЛИЗУ НОВЫЙ МОЩНЫЙ СМАРТФОН XPERIA

Компания Sony на предстоящей в январе выставке Consumer Electronics Show 2013 представит свой новый смартфон семейства Xperia, который станет самым мощным в линейке производителя. Новинка будет работать на базе четырехъядерного мобильного процессора Qualcomm и операционной системы Android.

По неподтвержденной информации, аппарат получит название Sony Xperia Z L 36h. Внутри смартфона будет работать 13-мегапиксельная камера с подсветкой, графический процессор Adreno 320, 2 Гб оперативной памяти и слот для карт памяти microSD.

### КОЛИЧЕСТВО МОБИЛЬНЫХ ПОЛЬЗОВАТЕЛЕЙ В КНР ПРЕВЫСИЛО 1,1 МЛРД. ЧЕЛОВЕК

В последнем отчете Министерства промышленности и информационных технологий КНР говорится, что по итогам ноября общее число сотовых контрактов в стране достигло 1,104 млрд, что составляет около 78% от количества жителей в стране. В то же время, в отчете говорится, что количество пользователей сетей 3G в стране составляет около 220 млн. человек или 20% от общего числа абонентов.

Количество пользователей мобильного интернета составляет 750 млн. человек, а всего за 11 месяцев 2012 года этот показатель возрос на 111 млн. человек. Выручка китайских мобильных операторов также росла и за год она в сопоставимых показателях увеличилась на 11% до 7,24 трлн. юаней или 1,16 трлн. долларов за период января-ноября 2012 года.

### TOSHIBA АНОНСИРОВАЛА 20-МЕГАПИКСЕЛЬНЫЙ СЕНСОР ДЛЯ ФОТОКАМЕР

Японская Toshiba готовит к релизу 20-мегапиксельный графический сенсор для цифровых камер, который имеет самую высокую разрешающую способность в своем классе. В пресс-службе Toshiba рассказали, что новы чипы поддерживают съемку видео с частотой 30 кадров / сек на полном разрешении. Также они способны снимать видео с частотой 60 кадров / сек на разрешении 1080p и 100 кадров / сек на разрешении 720p.



# Хабар + tv



## ОПА-СИНИСТАР

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
- 7.00 "Қуёндў амакининг ҳикоятлари". М/ф.
- 7.15 "Қўнғил қўнғил истайди".
- 7.25 Миллий сериал "Ота - синглилар".
- 8.00 "Тадқиқнома".
- 8.40 "Душуну наволар".
- 9.00 "Икки".
- 9.05 Миллий сериал "Сержанлар".
- 9.40 "Моҳир кўлар".
- 9.50 "Робин Гуд". Т/с.
- 10.40 "Икки".
- 10.45 "Саломатлик сирлари".
- 11.00 "Азборот".
- 11.10 "Ватинларвар".
- 11.55 "Икки".
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 12.50 "Қўнғил қўнғил истайди".
- 12.55 "Доктор Хуе". Т/с.
- 13.40 "Ҳислат сари".
- 14.00 "Азборот".
- 14.15 "Тарқоқет дастури".
- 14.50 "Икки".
- 14.55 "Ўзбек киноси: Қайтасан, Оймаёв".
- 16.20 "Юзи шувутиқ".
- 16.40 "Икки дарё оралиғида".
- 17.00 "Азборот".
- 17.10 "Менинг болам".
- 17.25 Миллий сериал "Опа-синглилар".
- 18.00 "Қўнғил қўнғил истайди".
- 18.10 "Эртаслар - яхшиликка етаклар".
- 18.25 "ТВ - шифоқор".
- 18.40 "Доктор Хуе". Т/с.
- 19.25, 20.00, 20.55 "Эвоқлар".
- 19.30 "Азборот" /рус/.
- 20.05 "Ой оғушлари қўнғил". Т/с.
- 21.00 "Азборот".
- 21.40 "Корона".
- 22.00 "Қўнғил қўнғил истайди".
- 22.10 "Тасаввур қил". Б/ф.
- 23.30 - 00.00 "Оғуш".
- 00.00 Кўрсатувлар дастури.
- 00.05 "Менинг болам".
- 00.20 "Моҳир кўлар".
- 00.30 Миллий сериал "Сержанлар".
- 1.00 "Азборот" /рус/.
- 1.30 ТелеТепт "Парвона", 1-қисм.
- 2.10 "Душуну наволар".
- 2.30 "Ватинларвар".
- 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".
- 4.00 "Азборот".
- 4.40 Миллий сериал "Ота - синглилар".
- 5.15 "Саломатлик сирлари".
- 5.30 "Икки дарё оралиғида".
- 5.50 - 5.55 "Оғуш".




- 6.00 "Витан меҳри".
- 6.10 "Афсулар". Т/с.
- 7.00 "Ёшлик ишқлари".
- 7.20 "Мультипликация".
- 8.00 "Ўйнабди". Т/с.
- 8.30 "Паллавар".
- 9.10 "Шамоллар мимлақати". Т/с.
- 9.50 "Қамолот-инфо".
- 10.00 "Қатга тизафурс".
- 10.30 "Паллавар".
- 11.50 "Ёшлик наволари".
- 12.10 "Шамоллар мимлақати". Т/с.
- 13.00 "Давр".
- 13.10 "Янги йилга келамиз" Б/ф.
- 14.40 "Ўуз-Ўулакчи".
- 15.00 "ЎзгЕХ".
- 15.10 "Терор-Нова". Т/с.
- 16.00 "Давр".
- 16.10 "Икки". Т/с.
- 16.40 "Давр мавзуси".
- 17.00 "Харобидан чиққан мистонлар". Б/ф.
- 18.30 "Обод турмуш йили".
- 19.00 "Давр".
- 19.30 "Вақслар аро". Т/с (Премьера)

## ДУШАНБА — 7 ЯНВАР

- 20.20 "Ёшлик наволари".
- 20.40 "Истиқлол қалқони".
- 20.50 "Эртанги болалар".
- 21.10 "Таранг илҳизлар". Т/с (Премьера)
- 22.00 "Давр".
- 22.30 "Қай за Герал". Б/ф, 1-қисм.
- 00.00 "Витан меҳри".
- 00.10 "Ёшлик наволари".
- 00.30 "Давр".
- 1.00 "Харобидан чиққан мистонлар". Б/ф.
- 2.40 "Сезди қўлар".
- 3.50 "Хайр формуласи".
- 5.10-6.00 "Паранум".



- 6.00 Кўрсатувлар тартиби.
- 6.05 "Қора қисқирбақа чангалда". Б/ф.
- 7.30 "Салом, Тошкент".
- 8.20 Тошкент тароналари.
- 8.45 "Саргушашлар оғуш".
- 9.15 "Интеллектуал ақдоним".
- 9.30 "Ҳайрат".
- 9.40 "Ҳибри".
- 10.10 "Интервью".
- 10.30 "Камер оркестрининг концерти".
- 10.30 "Ҳайрат". /рус тилида/.
- 10.45 "Максбада бир куш".
- 11.15 Кишиқ тилит кутеларидас. "Муробит сари". Б/ф.
- 13.00 "Салом, Тошкент".
- 14.00 "Душ". теледастури.
- 14.55 "Бизанс- Ҳайрат".
- 15.00 "Ҳайрат".
- 15.15 "Этноқилар". Т/с. 54-қисм.
- 15.45 "Эртанги эгалари".
- 16.00 "Панчи нуқсон".
- 16.30 Тошкент тароналари.
- 16.40 "Қўнғил оқбақлар". М/ф. 1-қисм.
- 17.00 "Муҳаббат филойилари".
- 17.15 "Қасби-факри".
- 17.35 "Ўйларим".
- 17.40 "Ҳайрат йўларидас".
- 18.00 "Ҳайрат".
- 18.30 "Интеллектуал ақдоним".
- 18.40 Миллий сериал. Умр суремонидаси". 5-қисм.
- 19.10 "Этноқилар".
- 19.30 Тошкент тароналари.
- 19.40 "Теле-маркет".
- 19.50 "Хайри гун, болалар".
- 20.00 "Ҳайрат".
- 20.30 "Тошкент оқдонлари".
- 21.00 Тошкент тароналари.
- 21.15 "Интервью".
- 21.30 "Теле-маркет".
- 21.45 "Денпо хўжориги". Т/с. 38-қисм.
- 22.30 "Ҳайрат". /рус тилида/.
- 22.55 "Эко-войтақил". /Рус тилида/.
- 23.05 "Кино SMS". /рус тилида/.
- 23.10 "Оркестр раҳбарли". Б/ф. /Рус тилида/. (Человек оркестр)
- 00.30 Кўрсатувлар тартиби.
- 00.35 "Душ оғушлари сузиш". Х/ф. /Рус тилида/. (Крутойское плавание)
- 1.30 "Турисм ҳақидас". /Рус тилида/.
- 2.00 "Фитомас". Б/ф. /рус тилида/. (Фитомас)
- 3.30 "Ўй дарви".
- 3.35 "Қора қисқирбақа чангалда". Б/ф.
- 5.00-6.00 "Салом, Тошкент".



- 5.55 "Хайри тонг".
- 6.10 "Саломат бўлинг".
- 6.30 "Спортчилар оиласи".
- 7.00 "Футбол академияси".
- 7.25 Болалар майдончаси. Топти гимнастика.
- 8.00 "Спортчилар". Мулдафилым.
- 8.00 ХАБАРЛАР.




- 8.30 "Саломат бўлинг".
- 8.55 Футбол. Испания чемпионати. "Реал Мадрид" - "Реал Сосидад".
- 10-40 Жаҳон кубоқларидас: Билалди. Тавантиндан сакраш.
- 12.55 Раҳамлар, натиқлар, рейтинглар.
- 13.00 ХАБАРЛАР.
- 13.10 Болалар майдончаси. "Спортчилар". Мулдафилым.
- 14.35 "Футбол мундари".
- 14.55 Тенис. АТР / WTA турнири.
- 16.15 Футбол. Испания чемпионати. "Барселона" - "Эспаньол".
- 18.00 Болалар майдончаси. "Спортчилар". Мулдафилым.
- 18.30 ХАБАРЛАР.
- 18.50 "Спортчилар оиласи".
- 19.40 Интерфутбол. Танаффусда "Спорт - маркет".
- 21.30 ХАБАРЛАР.
- 21.55 Билалди. Жаҳон кубоқи.
- 23.00 ФИФА Вил лавратларини тақдирлаш маросими тўридан-тўри олиб кўрсатилади.
- 00.00 Селенба дастури аниқси.
- 00.10 Тромплидан сакраш. Жаҳон кубоқи.
- 1.00 Хабарлар.
- 1.25 Интерфутбол.
- 3.10 - 5.50 Жаҳон кубоқларидас: Чанги пойғиси. Тог чанги. Чанги инкокурши.


- 07.00 08.10 10.30 14.00 15.20 19.40 20.30
- 00.40 "TVM" наволари
- 08.00 "Prime time"
- 09.40 Сериал "Без след"
- 11.30 "Семьянин" худ. фильм
- 15.10 "Prime time"
- 18.00 "Премьер"
- 18.30 "Prime time"
- 18.40 Сериал "ХИДИСТОН ИДУЛАРИ"
- 20.00 Тон-10"
- 21.10 Сериал "Без след"
- 22.00 "БОЕВОЙ КОНЬ" худ.фильм
- 02.00 Фильмлар, қаторлар қилини уювлет. "Ко-ко-ко"
- 04.00-05.00 "TVM" наволари



- 05.00, 09.00, 11.00 Новости
- 05.10 Х/ф "Взрослые дети"
- 06.20 Х/ф "Случайные знакомые"
- 07.55 "Новогодний елка в Кремле"
- 09.15 Х/ф "Морокко"
- 10.35 Новый Ералаш
- 11.10 "Время обеды"
- 11.40 Х/ф "Мой парень - Ангел"
- 13.15 "Кларет ТГ: О чем мечтает модельер"
- 14.10 Х/ф "Зимний роман"
- 15.30 Х/ф "Новогодний перелеток"
- 18.45, 20.15 "Рождественские истории" Альпа Путиевой
- 20.00 "Время"
- 21.40 Х/ф "Роман с камнем"
- 23.25 Х/ф "Кабинетный паритур"
- 01.10 Х/ф "Эпик для новобранцев"
- 02.40 Х/ф "Трактористы"
- 04.05 "Пока все дома"




- 05.00, 09.00, 11.00 Новости
- 05.10 Х/ф "Взрослые дети"
- 06.20 Х/ф "Случайные знакомые"
- 07.55 "Новогодний елка в Кремле"
- 09.15 Х/ф "Морокко"
- 10.35 Новый Ералаш
- 11.10 "Время обеды"
- 11.40 Х/ф "Мой парень - Ангел"
- 13.15 "Кларет ТГ: О чем мечтает модельер"
- 14.10 Х/ф "Зимний роман"
- 15.30 Х/ф "Новогодний перелеток"
- 18.45, 20.15 "Рождественские истории" Альпа Путиевой
- 20.00 "Время"
- 21.40 Х/ф "Роман с камнем"
- 23.25 Х/ф "Кабинетный паритур"
- 01.10 Х/ф "Эпик для новобранцев"
- 02.40 Х/ф "Трактористы"
- 04.05 "Пока все дома"




- 05.55 Х/ф "Розия"
- 07.25, 10.15 Х/ф "Не отрывается любовь"
- 10.00, 13.00 "Вести".
- 11.00 М/ф "Палла прошлой зимой".


- 11.20 М/ф "Маши и медведь".
- 11.45 "Рождественская Песенка года".
- 13.10 "Война и мир Александра Первого".
- 14.30 "Новая волна - 2012". Лучшее.
- 15.50 "Сметиться разрешается".
- 17.00 "Шоу-е приключения Аладдина".
- 19.00 "Вести".
- 19.20 Х/ф "Беренга".
- 00.05 Х/ф "Ас".
- 01.40 Х/ф "Космические ковбои".




- 04.10 Х/ф "Убить вестер".
- 06.05 Т/с "Возвращение Мухтара".
- 07.15 "Детское радио - 5 лет в эфире".
- 08.00 "Сезон".
- 08.20 "Тантенная Россия"
- 09.10 Т/с "Братцы".
- 11.00 "Сезон".
- 11.20 Т/с "Братцы".
- 11.00 "Сезон".
- 17.25 Т/с "Паутина". "Коллекционер".
- 21.25 Х/ф "Жил-был дед".
- 23.25 "Концертный зал НТВ"



- 06.00 "Моя планета".
- 08.15 "Моя работа".
- 08.40 "Диалог о рыбалке".
- 09.10 "Явь против едь".
- 09.40 "Большой тест-драйв со Сувальшиным".
- 10.25 "Рейтинг Боженова. Человек для opinion"
- 10.55 Хоккей.
- 13.15, 19.45 "Вести-Спорт".
- 13.25, 02.00 Аллотпорт.
- 13.55 Билалди.
- 17.25 "Братство котлы".
- 17.55 Баскетбол.
- 19.55 Х/ф "Спальные тела".
- 22.00 Х/ф "Ударная сила".
- 23.50 Х/ф "Замени".
- 02.10 "Большой тест-драйв со Сувальшиным".
- 02.55 "Русские байки. Крутое путешествие".
- 03.25 "Моя планета".



- 4.00-5.55 М/с
- 5.00-9.30 М/ф
- 7.45 Х/ф "Дочка Санты 2. Рождественская сказка".
- 12.15 Х/ф "Кунг-фу Панда 2".
- 14.00 14.30 "Ъ хайрон".
- 15.25 Х/ф "Кол в оилонга".
- 17.00 Х/ф "Клик. С прылком по жизни".
- 19.00 Т/с "Дневник доктора Зайнатов".
- 20.00 Х/ф "Тоспожа горничева".
- 22.00 Х/ф "Полярки на Рождество".
- 23.50 Х/ф "Птишка".



- 05.00 Д/ф "Святые" Марафон
- 09.45 Д/ф "Мария, мать Христа"
- 11.30 Д/ф "Рождество в каждом из нас"
- 13.30 "У моего ребенка Шестое чувство" Марафон
- 18.00 Т/с "Мерлин"
- 19.45 Х/ф "Политическая академия 4"
- 21.30 Х/ф "Политическая академия 3"
- 23.15 Х/ф "Остров сокровищ"
- 03.00 Д/ф "Гандиловские проекты"
- 04.00 Т/с "Портал Юрского периода"

Хабар

2013-йil 4-уаптар  
1 (1059)-сон

7



## Оʻزбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
7.00 "Қудус амининин ҳикоялари".  
М/с.  
7.15 "Қўнғил қўшиқ истайди".  
7.25 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".  
8.00 "Ахборот".  
8.40 "Дилхуш наволар".  
12.55 Рақамлар, натижалар,  
рейтинглар.  
13.30 "Жасур болалар".  
13.35 Футзал. Ўзбекистон  
кубоги.  
14.55 "Санъат ва спорт".  
15.15 Интерфутбол.  
16.55 Ватан химоячилар  
қўнига: "Муҳлиснингман,  
спорт".  
17.30 ХАБАРЛАР  
18.00 Футбол. Англия  
чемпионати. "Манчестер  
Юнайтед" - "Ливерпуль"  
тўғридан-тўғри  
олиб кўрсатилади.  
20.30 ХАБАРЛАР.  
20.55 Футбол. Англия  
чемпионати. "Арсенал" -  
"Манчестер сити" тўғридан-

тўғри  
олиб кўрсатилади. Танаффу-  
сда "Спорт - маркет".  
23.00 "Ринг қирдоқлари".  
00.05 Теннис. АТР / WTA  
турнири.  
1.25 Гандбол. Жаҳон  
чемпионати.  
02.50 - 5.50 Жаҳон кубокла-  
рида:  
Биатлон. Трамплиндан  
сакраш  
Ток чангиси.



07.00 08.10 10.30 13.50  
16.40 18.10 01.00 04.00-05.00  
"TVM" наволари  
08.00 "Prime time"  
08.30 Мультифильм  
10.00 "Baby Tera Landiya"  
11.30 Балдий фильм  
15.00 Семейное кино: "Месть  
Пуштыста"  
18.00 "Prime time"  
18.20 "M-files" M&TVA-2012  
маросими кадр ортда  
19.00 "M&TVA-2012"  
Танқидлаш Маросимининг  
найбонийи (такрор)  
22.00 "ОБЛАЧНЫЙ АТЛАС"  
мулфильм  
02.00 Фильмы, которые  
должны увидеть: "Возвраще-  
ние"

05.00, 09.00, 11.00 Новости  
03.10 Мультифильм  
05.25 Х/ф "Солюменная  
шляпка"  
07.30 Армейский магазин  
08.00 "Здоровье"  
09.10 "Непугуемые заметки"  
09.30 "Пока все дома"  
10.15 Фазелда  
10.45 "Смешарики. ПИН-  
код"  
11.10 Среда обитания. "Вот  
такие пироги"  
12.10 "Народная марка" в  
Кремле  
13.20 Х/ф "Не надо печалить-  
ся"  
14.45 Х/ф "Перекресток"  
16.45 Х/ф "Хроники Нарнии:  
Покоритель Зари"  
18.20 "Шрек навсегда"  
20.00 "Время"  
20.20 Новый год на Первом  
22.40 "Легенды Ретро FM"  
00.45 Х/ф "Можешь не  
стучать"  
02.05 Сериал "24 часа"  
02.50 "Поле чудес"

РОССИЯ 1

04.15 Х/ф "Старый знако-  
мый".  
06.00 "Вся Россия".  
06.10 "Сам себе режиссер".  
07.00 "Смехотанорама".  
07.30 "Утренняя почта".  
08.10 "Сто к одному".  
09.20, 13.20 "Местное время.  
Вести - Москва". Неделя в  
городе.  
10.00 "Вести".  
10.10 "Городок".  
10.45 Х/ф "Самозванка".  
13.00 "Вести".  
13.30 Х/ф "Самозванка".  
14.55 Комедия "Ошибки  
любови".  
16.50 Х/ф "Красная Шапоч-  
ка".  
19.00 "Вести недели".

20.30 "Аншлаг: Старый Новый  
год".  
23.50 Х/ф "Кудряшка Съю".

НТВ

03.55 М/ф "Детское утро".  
04.05 Х/ф "Агент особого  
назначения".  
06.00, 08.00, 11.00, 17.00  
"Степана".  
06.15 Лотерея "Русское лото".  
06.45 "Их нравы".  
07.25 "Едем дома".  
08.20 "Первая передача".  
08.50 "Чудо техники".  
09.20 "Поедем, поедим!"  
10.00 "Лачный ответ".  
11.25, 17.25 Т/с "Защита  
Красина".  
23.00 Х/ф "Шпилики 3".

РОССИЯ 2

06.00 "В мире животных".  
06.25, 09.35, 01.30 "Моя  
планета".  
07.55, 10.00, 19.10, 01.15  
"Вести-Спорт".  
08.10 "Моя рыбалка".  
08.35 "Язь против едъ".  
09.05 "Рейтинг Баженова".  
10.15 "Страна спортивная".  
10.40 Х/ф "Супермен 2".  
13.00 "Вести-Спорт".  
13.10 АвтоСпорт.  
13.30, 03.10 Автоспорт.  
14.00 Хоккей.  
16.50, 19.20 Биатлон.  
17.40 "Биатлон с Дмитрием  
Губерниевым".  
18.15 Бобслей.  
20.25 "90х60х90".  
20.55 Футбол. "Арсенал" -  
"Манчестер Сити". Прямая  
трансляция.  
22.55 Футбол. "Манчестер  
Юнайтед" - "Ливерпуль".  
00.55 "Картавий футбол".  
01.30 Баскетбол.  
03.20 "Русские байки".

СТС

4.00 8.30 М/ф  
5.55 8.00 М/с  
7.00 "Галилео".  
10.00 Х/ф "Форрест Гамп".  
12.40 "6 кадров".  
14.45 Х/ф "Пятый элемент".  
17.05 Шоу "Уральских  
пельменей".  
17.35 Шоу "Уральских  
пельменей".  
19.00 Х/ф "Знакомьтесь, Джо  
Блак".  
22.25 Х/ф "Носферату. Ужас  
ночи".  
23.55 Х/ф "Шепка".

ТВ3

05.00 М/ф  
08.45 "Удари меня! Лучшее".  
10.45 Х/ф "Ученик Чародея"  
12.30 Х/ф "Чародин".  
15.15 Т/с "Синабид".  
18.00 Т/с "Мерлин".  
19.45 Х/ф "Престиж".  
22.15 Х/ф "История одного  
вампира".  
00.15 "Пирк Дю солей. Варейка".  
02.00 "Пирк Дю солей. Кортео".  
03.20 "Пирк Дю солей.  
Дралион".



### Душанба

06:00 "Янги йил навалари" дастури  
06:30 "Файзли тон" дастури  
08:30 "Парламент соати" инфор­мацион дастури  
08:30 "Бизнес-промо"  
09:00 "Музика даври-4" м/ф  
10:45 "Яил сарҳисоби"  
11:00 "Аждар оловчиларининг саргуашти" 6/ф  
12:45 "Музика вақти" дастури  
13:00 "Ишдаги ишқ-2" 6/ф  
14:50 "Яил сарҳисоби"  
15:00 "Гарри Поттер-11" 6/ф  
16:30 "Яил сарҳисоби"  
16:45 "Келажак Овози" ташвио голибларини тақдирлаш маросими  
17:30 "Ўйинқароқ пингвинлар" м/ф  
19:00 "Музика вақти" дастури  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Жаҳон 24"  
19:40 "Клон" т/с (188-қисм)  
20:30 "Худуд" инфор­мацион дастури  
20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур  
21:05 "Чой устиди" кўрсатуви  
21:30 "Омадли йилгилар" 6/ф премьераси  
23:30 "Янги йил навалари" дастури  
00:00 "Санта Клаус-1" 6/ф  
02:00 "Ишдаги ишқ-2" 6/ф  
04:00 "Яил сарҳисоби" дастури  
04:30 "Омадли йилгилар" 6/ф

### Сешанба

06:00 "Янги йил навалари" дастури  
06:30 "Файзли тон" дастури  
08:30 "Худуд" инфор­мацион дастури  
08:50 "Бизнес-промо"  
09:00 "Малагаскар-3" м/ф  
10:45 "Яил сарҳисоби"  
11:00 "Викии митти Викион" 6/ф  
12:50 "Янги йил навалари" дастури  
13:00 "Койилмақом ўрнилик" 6/ф  
14:50 "Яил сарҳисоби"  
15:00 "Гарри Поттер-12" 6/ф  
16:30 "Яил сарҳисоби"

16:45 "Яил аёли" -2012 тандоининг тақдирлаш маросими  
17:30 "Ўйинқароқ пингвинлар-2" м/ф  
19:00 "Музика вақти" дастури  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Жаҳон 24"  
19:40 "Клон" т/с (189-қисм)  
20:30 "Худуд" инфор­мацион дастури  
20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур  
21:05 "Мухаббат девори" 6/ф премьераси  
21:30 "Якуллашмаган вази­фа" 6/ф  
23:30 "Янги йил навалари" дастури  
00:00 "Санта Клаус-2" 6/ф  
02:00 "Койилмақом ўрни­лик" 6/ф  
04:00 "Янги йил навалари" дастури  
04:30 "Мухаббат девори" 6/ф

### Чоршанба

06:00 "Янги йил навалари" дастури  
06:30 "Файзли тон" дастури  
08:30 "Худуд" инфор­мацион дастури  
08:50 "Бизнес-промо"  
09:00 "Панда - Кунг Фу" м/ф  
10:45 "Яил сарҳисоби"  
11:00 "Одлийгина тағтил" 6/ф  
12:50 "Янги йил навалари" дастури  
13:00 "Яшил қовоқлари" 6/ф  
14:50 "Яил сарҳисоби"  
15:00 "Гарри Поттер-13" 6/ф  
16:30 "Яил сарҳисоби"  
16:45 "Фонд Форум лойиҳа­ларининг бугунги кундаги аҳамияти ва фойдалиги" в/ф  
17:10 "Келажак Овози" ЕТМнинг янги йил карнавал  
17:30 "Музика даври-4" м/ф  
19:00 "Музика вақти" дастури  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Жаҳон 24"  
19:40 "Клон" т/с (190-қисм)  
20:30 "Худуд" инфор­мацион дастури  
20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур  
21:05 "Борига барака"

кўрсатуви  
21:30 "Янги йил навалари" 6/ф премьераси  
23:30 "Янги йил навалари" дастури  
00:00 "Санта Клаус-3" 6/ф  
02:00 "Яшил қовоқлари" 6/ф  
04:00 "Янги йил навалари" дастури  
04:30 "Янги йил навалари" 6/ф

### Пайшанба

06:00 "Янги йил навалари" дастури  
06:30 "Файзли тон" дастури  
08:30 "Худуд" инфор­мацион дастури  
08:50 "Бизнес-промо"  
09:00 "Панда - Кунг Фу-2" м/ф  
10:45 "Яил сарҳисоби"  
11:00 "Улан" 6/ф  
12:50 "Янги йил навалари" дастури  
13:00 "Вақт" 6/ф  
14:50 "Яил сарҳисоби"  
15:00 "Гарри Поттер-14" 6/ф  
16:30 "Фонд Форумнинг бир йиллик фаолияти сарҳисобла­рига бағишланган кеча" в/ф  
17:30 "Малагаскар-3" м/ф  
19:00 "Музика вақти" дастури  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Жаҳон 24"  
19:40 "Клон" т/с (191-қисм)  
20:30 "Худуд" инфор­мацион дастури  
20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур  
21:05 "Антракт" кўрсатуви  
21:30 "Севги марафони" 6/ф премьераси  
23:30 "Янги йил навалари" дастури  
00:00 "Рождественская история" 6/ф  
02:00 "Вақт" 6/ф  
04:00 "Янги йил навалари" дастури  
04:30 "Севги марафони" 6/ф

### Жума

06:00 "Янги йил навалари" дастури  
06:30 "Файзли тон" дастури  
08:30 "Худуд" инфор­мацион дастури  
08:50 "Бизнес-промо"  
09:00 "Этикали мушук" м/ф  
10:45 "Яил сарҳисоби"  
11:00 "Элвин ва бурундқлар-1" 6/ф  
12:50 "Янги йил навалари" дастури  
13:00 "Тақдир ҳазиллари" 6/ф  
14:50 "Яил сарҳисоби"  
15:00 "Гарри Поттер" 6/ф  
17:30 "Панда - Кунг Фу" м/ф  
19:00 "Музика вақти" дастури  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Жаҳон 24"  
19:40 "Клон" т/с (192-қисм)  
20:30 "Худуд" инфор­мацион дастури  
20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастур

21:05 "Бизнинг объекти­ла" кўрсатуви  
21:30 "Учар от" 6/ф премьера  
23:30 "Янги йил навалари" дастури  
00:00 "Денис - мучитель Рождества" 6/ф  
02:00 "Тақдир ҳазиллари" 6/ф  
04:00 "Янги йил навалари" дастури  
04:30 "Учар от" 6/ф

### Шанба

06:00 "Янги йил навалари" дастури  
06:30 "Файзли тон" дастури  
08:30 "Худуд" инфор­мацион дастури  
08:50 "Бизнес-промо"  
09:00 "Замбези" м/ф  
10:45 "Яил сарҳисоби"  
11:00 "Элвин ва бурундқлар-2" 6/ф  
12:50 "Янги йил навалари" дастури  
13:00 "Мингта сўз" 6/ф  
14:50 "Яил сарҳисоби"  
15:00 "Дийлор ширин" кўрсатуви (байрам сони)  
18:00 "Панда - Кунг Фу-2" м/ф  
19:30 "Яшил олма" кўрсатуви  
19:50 "Comedy.UZ" теле-шоуи  
20:20 "Супер келинчак" теле-шоуи  
21:00 "Узифлар" дам олиш кўрсатуви  
22:00 "Парвоз завқи" кўрсатуви  
23:00 "Касокатори" 6/ф  
02:00 "Мингта сўз" 6/ф  
04:00 "Янги йил навалари" дастури  
04:30 "Хай, хай, қизалоқ" 6/ф

### Якшанба

06:00 "Янги йил навалари" дастури  
06:30 "Файзли тон" дастури  
08:30 "Буни ҳаёт дейдилар" 09:00 "Шерорак" м/ф  
10:45 "Яил сарҳисоби"  
11:00 "Элвин ва бурундқлар-3" 6/ф  
12:50 "Янги йил навалари" дастури  
13:00 "Бу уша Карлсон" 6/ф  
14:50 "Яил сарҳисоби"  
15:00 "Озоод шоу" кўрсатуви (байрам сони)  
18:00 "Этикали мушук" м/ф  
19:30 "Дилшад ҳақлар" дам олиш дастури  
21:00 "Дийлор ширин" кўрсатуви  
22:00 "Жасур" 6/ф премьера  
23:30 "Янги йил навалари" дастури  
00:00 "Рождественский котелж" 6/ф  
02:00 "Бу уша Карлсон" 6/ф  
04:00 "Янги йил навалари" дастури  
04:30 "Жигарбаничи" 6/ф



## ХАНДАЛАР

Нормамат TOFA

### Кинодан чиқиб

— Дилрабоҳон, янги йил байрами кунини кинога тушамизми ёки театрга борамизми?  
— Театрга кинодан чиқиб борақолайлик.

### Жим тур

— Дада, соат неччи бўлди, янги йил қачон киради-а?  
— Жим тур, ҳали ҳисоб очилганича йўқ,









2012 йилнинг 28 декабр куни Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ҳайъат раиси Х.Мирзахидов бошқарди.

Мажлисада рақамли телевидение, халқаро ҳамкорлик ва даврий нашрларни тарқатиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Дастлаб "Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш бўйича Давлат дастури ижроси тўғрисида"ги масала бўйича "Радиоалоқа, радиодўшпиртириш ва телевидение маркази" ДУК бош директори Ф.Зияев ахборот берди.

Ахборотчининг маълум қилишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 17 апрелдаги 1741-қарори билан "Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш бўйича Давлат дастури" тасдиқланган. Унга кўра, рақамли телевидениега ўтиш икки босқичда амалга оширилади. 2012 йил 24 октябрда Япониянинг JBC банки билан имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида Англашув бўйича Меморандум имзоланди. Ана шу Меморандумга асосан 2012-2015 йилларда амалга ошириладиган биринчи босқичда 60,0 миллион АҚШ доллари қийматли

кредитни жалб этган ҳолда "Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли эшиттириш тармоғини ривожлантириш" лойиҳаси ҳамда 2016-2017 йилларда амалга ошириладиган иккинчи босқичда 32,0 миллион АҚШ доллари қийматли кредитни жалб этган ҳолда "Ўзбекистон Республикасининг узоқ ва бориш қийин аҳоли пунктларида рақамли эшиттириш тармоғини ривожлантириш" лойиҳасини бажаришга келишилган.

Айни пайтда республикада рақамли телевидение тармоғи яратилиш бўйича қатор ишлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. 2012 йилнинг охирига келиб, 14та рақамли узатгич Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Андижон, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ишга туширилди. Бу хизмат билан республика аҳолисининг 42 фоизи камраб олинган.

2013 йилда Қўйтош, Ангрэн ва Бекobod радиотелевидение станцияларига рақамли телевидение узатгичларини етказиш ва ўрнатиб, ишга тушириш, Питнак ва Сўх РТСларига кам қувватли узатгичларни ўрнатиш, Тошкент шаҳрида

**2012 йилнинг 14та рақамли узатгич Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Андижон, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ишга туширилди.**

DVB-T2 стандартида ишловчи рақамли телевидение тажрибавий худудини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда "Ҳукумат қарорлари билан белгиланган соҳа халқаро алоқаларини ривожлантиришга оид тошириқларнинг бажарилиши ҳолати ва амалга оширилиши зарур вазифалар тўғрисида" қўмитанинг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи С.Алимов маълумот берди. Маълумки, кейинги йилларда чет давлатлар билан халқаро муносабатларни ривожлантиришга оид Давлат раҳбари

ва Ҳукумат қарорларида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қабул қилинган қарорларда ақс этган соҳага дахлдор тошириқлар асосан Корея Республикаси, Хитой ва Хиндистон давлатлари билан алоқа ва ахборот технологиялари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган. Ахборотчи ушбу ҳамкорлик йўналишларида амалга оширилган ишлар, келгусида амалга оширилиши вазифалар ҳақида батафсил сўз юритди.

Мажлисада "Матбуот тарқатувчи" АҚнинг даврий нашрларни тарқатиш тармоғини такомиллаштириш ва ривожлантириш тўғрисида"ги масала бўйича "Матбуот тарқатувчи" АҚ бош директори С.Нажбидинов маъруза қилди. Маърузачи 2012 йилда компания фаолияти тўғрисида, даврий нашрлар тарқатиш ривожлантириш, тармоқни замонавийлаштириш, кадрлар малакасини ошириш, соҳага илғор технологияларини жорий этиш борасидаги ишларга тўхталиб, келгусида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар хусусида ҳам атрафлича маълумот берди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Тажрибага таяниб...

Халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар билан илмий-техник ҳамкорликни йўлга қўйиш ва "UNICON.UZ" ДУК бўлиналарини халқаро фаолиятга тегишли ахборот билан таъминлаш мақсадида 1999 йилнинг 1 августда халқаро алоқалар бўлими ташкил этилди. 2009 йилнинг апрел ойидан корхонада Ўзбекистон Республикаси Алоқа маъмуриятининг халқаро ташкилотлардаги аъзолигининг халқаро-ҳуқуқий таъминоти бўйича вазифаларнинг кенгайтирилишига боғлиқ ҳолда бўлим халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича илмий-тадқиқот бўлими (ХХМИТБ) сифатида қайта ташкил қилинди.

Бугунги кунда бўлимиз Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази — "UNICON.UZ" ДУК халқаро ҳамкорлигининг мувофиқлаштирилишини, шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида Ўзбекистон аъзолигининг эксперт ва халқаро-ҳуқуқий таъминотини амалга оширмоқда.

Бўлим олдига қўйилган асосий вазифалар сифатида куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: "UNICON.UZ" ДУК халқаро фаолиятини таъминлаш; хорижий компаниялар, фирмалар, илмий муассасалар, ўқув юртлари билан илмий-техник ва ишга оид ҳамкорликни ташкил қилиш; Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан келишув бўйича "UNICON.UZ" ДУКнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги халқаро ташкилотларда иштирокини таъминлаш.

Шунингдек, биз халқаро ташкилотлар, компаниялар, фирмалар, бошқа хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш қисмида шартномалар, келишувлар, баённомалар ва бошқа шартномавий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш билан шуғулланамиз, ушбу шартномавий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида "UNICON.UZ" ДУК мажбуриятларини бажариш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини амалга ошираемиз.

**Бўлим томонидан орттирилган тажриба марказининг илмий-техник ҳамкорлигини чуқурлаштириш ва Ўзбекистон Республикасининг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида халқаро майдондаги манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам беради.**

2009 йилдан бошлаб бўлимнинг фаолияти илмий-тадқиқот характерига эга, чунки ушбу бўлим Ўзбекистон Алоқа маъмуриятининг ХЭИ юқори даражадаги йиғилишларида: 2010 йилдаги Ваколатли конференцияга, 2010 йилдаги Бутунжаҳон электралокани ривожлантириш конференциясига, 2012 йилдаги Бутунжаҳон Радиоалоқа ассамблеяси ва Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясига, 2012 йилдаги Бутунжаҳон электралокани стандартлаштириш ассамблеясига, 2012 йилдаги Бутунжаҳон халқаро электралоқа конференциясига ҳиссаларини тайёрлашда иштирок этди ва ҳиссаларини тайёрлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борди.

Бўлим фаолиятини шартли равишда бир нечта йўналишга бўлиш мум-

кин:

- Ўзбекистон Алоқа маъмуриятининг халқаро ташкилотлар (ХЭИ, БПИ, АМХ, ETSI, ХЭУ)да аъзолигининг халқаро-ҳуқуқий таъминоти;

- "UNICON.UZ" ДУКнинг хорижий компаниялар, фирмалар, илмий муассасалар (ETRI (Ж.Корея), MATTRON (Ж.Корея), GTEN (Хиндистон), СПбДТУ (Россия Федерацияси) билан илмий-техник ҳамкорлигининг халқаро-ҳуқуқий кузатуви;

- "UNICON.UZ" ДУК ходимларининг чет эл сафарлари ва контактларини ташкилий жиҳатдан таъминлаш;

- чет эл вакилларини қабул қилиш бўйича чора-тадбирларни тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этиш.

Табиики, фаолиятнинг барча бу йўналишлари бизга доимо услубий ва ташкилий ёрдам кўрсатиб келадиган Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Халқаро алоқалар бўлими билан узвий алоқада амалга оширилмоқда.

20 йил  
UNICON.UZ

ларда ўз аксини топади.

Хар йили бўлим "UNICON.UZ" ДУКнинг "BestSoft Uzbekistan" ва "ICTExpo" каби республика кўргазмаларида иштирокини таъминлайди.

Кейинги йилларда бўлимиз етти халқаро конференция ва семинарларни ташкил қилиш ва ўтказишда иштирок этди.

"UNICON.UZ" ДУК 2004 йилдан "Хужжатли электралоқа уюшмаси" (ХЭУ) Россия ташкилотининг аъзоси ҳисобланади, 2005 йилнинг 22 ноябрдан Телекоммуникацияларни стандартлаштириш Европа институти (ETSI)нинг уюшган аъзосидир. Бизнинг бўлимиз ушбу ташкилотлардаги ишни мувофиқлаштиради.

Кейинги икки йил ичида "UNICON.UZ" ДУК томонидан Корея электроника ва телекоммуникациялар тадқиқотлар институти (ETRI), Хиндистоннинг GTEN Technologies ва Luminous Renewable Energy Solutions компаниялари билан ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар ва ҳамжиҳатлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Ҳозирги кунда илмий ахборот билан алмашиш бўйича турли илмий марказлар ва университетлар (Karlsruhe Institute of Technology (Германия), Wireless Research Centre at University of Canterbury (Янги Зеландия), Institute for Infocomm Research (Сингапур)) билан ёзишмалар олиб борилмоқда ва ҳамкорлик ўрнатиш мўлжалланмоқда.

Музаффар ЖАЛОЛОВ,  
"UNICON.UZ" ДУК ХХМИТБ  
бошлиғи

Samsung: 2013 йили 510 млн.та мобил телефон сотилади.

Xabar  
www.xabar.uz



**ДИҚҚАТ, ЯНГИ САҲИФА:**

Ўзбек интернет (ўзнет) жадал ривожланиш босқичини бошдан кечирмоқда. Газетамизнинг 2013 йилдаги илк сонидан бошлаб WWW.UZ деб номланган янги саҳифани ташкил этдик. Мунтазам равишда бериб бориладиган мазкур саҳифада ўзнетдаги қизиқарли ва фойдали сайтлар, рейтинглар, рақам ва фактлар, онлайн-фикрлар, тавсия ва сабоқлар ҳамда бошқа турли маълумотлар билан танишиш имконига эга бўласиз. Бу сиз учун ҳам, интернетдан фойдаланишни ўрганаётган фарзандларингиз учун ҳам фойдали бўлади, деган умиддамыз.

**FOYDALI SAYTLAR**

**Ziyouz.uz**

**Илм-маърифатга чорловчи сайт**

Инсонларга ҳақиқий маънода зиё улашишни мақсад қилган Ziyouz портали ўзнетнинг энг оммабоп ва фойдали сайтларидан бири ҳисобланади.

**ONLINE-FIKR**

**2013 ЙИЛ: пластик карта ўрнини мобил телефон босадими?**



**Алишер ШАЙХОВ,**  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси:

"NFC технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш жамият ҳаётига мобил тўловлар тизими қай даражада тез кириб боришига боғлиқ бўлиб турибди. Бунинг устига Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мутахассислари нафақат смартфонларда, балки оддий телефонларда ҳам ишлайдиган NFC иловаси устида ишлашмоқда. Шунга қарамасдан, 2013 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб Ўзбекистонда NFC орқали тўловни амалга ошириш имкони пайдо бўлади."

**ШАРХ:** Ўзбекистонда NFC технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳа устида ишланмоқда. Ушбу лойиҳа SMS-To'lov тизими билан биргаликда тўловларни уяли алоқа телефони орқали амалга ошириш имконини беради.

Тизимнинг ишлаш принципи қуйидагича: MicroSD форматдаги махсус NFC чипи ўрнатилган уяли алоқа телефони эга киши, ўз мобил телефонини махсус сенсорли майдонга теккизиб, 4 рақамли паролни киритган ҳолда дўкondaги харидларини тўлаши мумкин. Қурилма маълумотни ўқийди, телефон боғланган пластик картадан ёки фойдаланувчининг ҳисобидан пулларни кўчириб олади ва унга чекни беради.

NFC чипи Bluetoothra ўхшайди, фақат у анча тезроқ ва хавфсизроқдир.

Агар телефон йўқолса, бегона киши ундан фойдалана олмайди, чунки паролни телефон соҳибининг ўзигина билади. Пластик картадаги каби унда ҳам телефонни тезлик билан блоктировка қилиш имконияти бор.

NFC (Near Field Communication) — симсиз коммуникация технологияси бўлиб, у иккита электрон қурилмага қисқа масофаларда (кўпи билан 5 см.) жисмоний алоқасиз радио частоталар ёрдамида ўзаро маълумот алмашиш имконини беради. NFC ёрдамида телефон соҳиблари шунчаки уни терминалга яқинлаштирган ҳолда йўл ҳақи, дўконлардаги харидларнинг тўловларини амалга оширишлари мумкин.

Лойиҳа деярли тайёр бўлиб, ҳозирги босқичда автобуслар ва дўконларда махсус терминалларнинг жорий этилиши мувофиқлаштирил-



моқда. Кейинчалик терминалларни деярли ҳамма жойда — кассалар, дорихоналар, АЁКШ, умумий овқатланиш шохобчалари, коммунал хизматларга тўлаш пунктларига ўрнатиш мумкин бўлади.

NFCга эга уяли алоқа телефони бир нечта банк карталарининг ўрнини босиши мумкин. Online, Visa ёки MasterCard карталарининг ҳаммаси ҳам қабул қилинмайдиган савдо масканларида тўлов сезиларли даражада осонлашади, чунки терминал уларнинг барчаси билан ишлайди. Маблағларни юклаш ва тўлаш оддий усулда амалга оширилади: бунинг учун иловани юклаб олиш, карта маълумотларини кириштириш (банклар рўйхати кейинчалик шакллантирилади) ва тасдиқлашнинг ўзи кифоя. Шундан сўнг телефонни NFCни кўтарадиган исталган терминалга қўйиш мумкин.

Хозирги кунда замонавий технологиялар аксарият Ўешларни адабиётдан, илм-маърифатдан биров узоқлаштираётганини инкор этиб бўлмайди. Интернетдан фойдаланувчиларнинг кўпгина қисми асосан қўнгилочар сайтларда вақтларини ўтказаятганликлари фақатгина уларнинг айби эмас. Ўзнетда илм-маърифатга чорловчи сайтларнинг сони у кадар кўп эмас. Бу ҳам бир сабаб. Аммо тафаккурни бойитишга хизмат қиладиган манбалар борки, уларни ёшлар ўртасида кенгрок тарғиб этиш, аввало, ота-оналарнинг ўзи бу манбалар билан танишиб чиқиши талаб этилади.

Ҳар бир хонадонда шахсий кутубхона мавжуд эмас. Замонавий технологиялар бу муаммони қисман бўлса-да бартараф этади. Битта компютер ва интернетга улашиш имконияти шахсий кутубхонага эгаллини ҳам билдиради. Ўзнет ўзбек тилидаги бадий ва илмий асарлар, болалар адабиётидан тортиб, жаҳон адабиётига, замонавий ўзбек адабиётдан тортиб, мумтоз адабиётга ўзида жамлаган сайтларга бойиб борапти. Шундай сайтлар орасида Ziyouz.uzни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биргина ушбу сайтнинг ўзи ҳар бир хонадоннинг шахсий кутубхонаси вазифини бажара олади. Унлаб ёки юзлаб китобдан иборат кутубхонани ташкил этиш осон эмас, Ziyouz.uz сайтида эса ўзбек тилида минглаб бадий ва илмий асарлар, илмий мақолалар ва рисоалар тўпланган. Уларни ҳеч қийинчиликсиз кўчириб олиб, мутулаа қилиш мумкин.




**ПОРТАЛДА 6000дан зиёд илмий-оммабоп, маърифий мақолалар, 1500дан зиёд электрон китоб (PDF, HTML, DJVU, MP3, JAR форматларида), ўзбек адабиётидан 700га яқин ҳикоя, 300га яқин ҳажвия, жаҳон адабиётидан 200дан ошиқ ҳикоя, 600дан ортиқ ижодкорнинг фаолиятига оид маълумотлар, ўзбек мумтоз шеърятидан намуналар (70дан ортиқ ижодкор), замонавий ўзбек шеърятини намуналари (200га яқин ижодкор), жаҳон шеърятини намуналари, 10000дан ортиқ ўзбек мақоллари, 5000га яқин жаҳон халқлари мақоллари, 300га яқин ҳикоят, 30000га яқин ҳикоятли сўз ва афоризмлар, 1500дан зиёд топишмоқ, 100га яқин халқ эртақлари, юртимиз ҳақида минглаб фотосуратлар ўрин олган.**

**REYTING**

**Хост-провайдерлар ўнлиги**

<b>Хорижий провайдерлар</b>	<b>45.77</b> фоиз
<b>UZINFOCOM</b>	<b>19.87</b> фоиз
<b>TPS</b>	<b>7.62</b> фоиз
<b>UzNet</b>	<b>6.55</b> фоиз
<b>UzSciNet</b>	<b>5.49</b> фоиз
<b>Sharq Telekom</b>	<b>3.46</b> фоиз
<b>Sarkor Telekom</b>	<b>3.10</b> фоиз
<b>Ars-Inform</b>	<b>1.78</b> фоиз
<b>BCC</b>	<b>1.69</b> фоиз
<b>SIMUS</b>	<b>0.97</b> фоиз

**.UZ домени ҳудудида доменлар сонининг ўсиб бориш динамикаси**



**2012 йил охирига келиб, жами фаол доменлар сони: 15 801та. 2012 йил бошида улар сони 13 438та эди. Ўсиш — 17 фоиз.**





Халқимизда ажойиб удум бор: оилада дунёга келган чақалоққа ўхшаб юрсин деган ният билан боқий дунёга кетганига бир неча асрлар ёки йиллар ўтган бўлишига қарамай, ҳамон эзгу ишлари, ўздан кейин авлодларига қолдирган қатор яхшиликлари орқали одамлар қалбида яшаб келаётган мўътабар инсонларнинг исмларини беришади. Шунинг учун ҳам ораимизда Алишерлар, Бобурлар, Ойбеклар, Нодира-ю, Зебуннисолар кўп.

## Юрагида рт ишқи

Бобурмирзо ўз келажаги ҳамда юрт тақдири  
учун жон куйдираётган минглаб ёшларнинг бири.

старшина Тўлқин Эсоновлар ҳам мен учун энг хурматли инсонлардир.

Коллежда ўқиб юрган пайтимда ўқинишимни молия соҳаси бўйича давом эттираман, деган ниятда эдим. Бу ерга келгач, фикримдан қайтдим.

Негаки, менда алоқачилик касбига қизиқиш уйғонди. Шу касб орқали одамлар ҳолатини чиқаришим, энг муҳими, Ватан мудофаасига ҳисса қўшишим мумкинлигини ҳис қилдим.

Ўзининг аъло хулқи, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликдаги яхши натижалари тўғрисида раҳбарият диққат-эътиборида бўлиб, сафдошларига ўрнатилган кўрсатилган оддий аскар Бобурмирзо Худойшукуровнинг МАТБда хизмат қилаётганига ўн ойдан ошди. Ҳадемай харбий хизмат даври ҳам тугайди. Лекин у бу ердаги кўп йиллик қатори хизматнинг ҳар бир кундан унумли фойдаланмоқда. Бўш вақтларида кутубхонага кириб, тест синовларига тайёрланипти. Синовларга пухта ҳозирлик кўриш учун эса бу зиё масканида ҳамма китоблар бисёр.

Унинг мақсади келгусида Тошкент ахборот технологиялари университетининг телекоммуникация факультетига ўқишга кириш ва юқори малака эгаллаб, мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Биз ҳам унинг ниятлари ушалишига тилакдошимиз.

Муборак  
МИРКАМОЛОВА

### VATAN HIMOYASI — MUQADDAS BURCH

Анджонлик Асалхон Худойшукурова ҳам фарзандига Бобурмирзо дея исми қўйганида улғу бобомиз, шох ва шоир Захриддин Мухаммад Бобур каби ҳассос қалб эгаси, эл иши учун фидойи инсон бўлсин деган ниятни дилидан ўтказган эди.

Лекин ният бошқа-ю, ҳаракат бошқа эканлигини она қалби яхши ҳис қиларди. Шунинг учун ҳам у ўғлининг мактабда яхши билим олиши, мард ва жасур инсон бўлиб вояга етиши учун ҳаракат қилди. Онанинг саъй-ҳаракатлари зое кетмади. Бобурмирзо кўпчилик хавас қиладиган йилги бўлиб вояга етди.

— Мактабни тамомлагач, Анджондаги банк коллежига ўқишга кирдим. Сўнгра, аввало ўз йиллик бурчимни адо этишга аҳд қилдим, — дейди Бобурмирзо Худойшукуров. — Мени Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-харбий қисм)га хизматга олишди. Бу ерга дастлаб келган пайтларимда харбий шароитга кўникишимга, қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишимга яқиндан ёрдам берган лейтенантлар Оятилло Абдуллаев, Абдумалик Орзиев, Азизбек Абдуразоқовлар ҳамда капитан Шавкат Бўроновдан беҳад миннатдорман. Шунингдек, марказимиз бошлиғи Ўткир Маматов ҳамда

## Осойишталигимизни сақлайлик

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалида  
хуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида  
"Огоҳлик — давр талаби" мавзуда йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туманлар почта алоқаси тармоқлари бошлиқлари, эксплуатация ишлари бўйича муҳандислар, почта хавфсизлиги хизмати техниклари ва ҳисобчилари иштирок эттишти.

Мажлисни филиал директори вазифасини бажарувчи Ориф Махмудов кириш сўзи билан очиб, пенсионерларга нафақа пулларини ўз вақтида тўлаш, маблағларни сақлаш тартиби, хат-хабарлар, телеграммалар хавфсизлигини таъминлаш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этиш юзасидан ўз фикрларини билдирди. Йиғилишда, шунингдек, почта алоқаси тармоқлари ва бўлимларида фаолият юритаётган ҳар бир ходимнинг хушёр бўлиши зарурлиги тўғрисида хуқуқ-тартибот идораларининг вакиллари ўз фикрларини баён этишти.

Йиғилиш сўнгида огоҳликка даъват этувчи воқеалар баён этилган ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

А.ИСМОИЛОВ

## Меҳнат ярмаркаси

Хўжайли тумани алоқа касб-ҳунари коллежи биносига туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ташаббуси билан меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди.

Ярмаркада 36 корхона 84 иш ўрнини тавсия қилиб, 37 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

Раҳимжон  
БОЛТАБОВ  
Қорақалпоғистон  
Республикаси

## Болажонларга арча байрами



"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиалининг турфа ярқироқ ўйинчоқлари ранго-ранг қорпарчалардан либос кийган ям-яшил арча ва "Ўзбегим шарлари" билан безатилган мажлислар зали болажонларнинг шўх, беғубор қулгуларига тўлди. Энг қизғини, катталарнинг қувончи болажонлариникидан кўп бўлса бўлдики, кам бўлмади. Айниқса, болажонларга турли русумдаги "енгил машина"лар ва қўғирчоқларни улашиш онлари шундай ҳаяжонли кечдики, шўх-шаън қаҳқаҳалардан кўнгиллари яшнаб кетди. Бу бежиз эмас. Боиси шуки, Қорбобо ва Қорқизнинг совғалари шунчаки совғалар эмас, масъум қалбларни бир умрга татиғулик орзу-умидларга тўлдирган гулдастадир.

Бинобарин, Қорбобо совғани дарров тутказмапти. Кимдир ўқиган, кимдир ёд олган шеъри, кимдир топагонлиги ва зукколиги учун тақдирланмоқда. Меҳнат қилиб соғва сохиб бўлишнинг эса гаши бўлакча. Етти ёшлардаги Сарвинознинг "Нима ўзи Янги йил?" шеъри ота-оналарни ҳам анча ўйлантириб қўйди. Асадбек Ўзбекча ва европача рақслари, Шоҳнур, Бобирбек, Дилроза ва бошқа болалар эса ифодали шеър ўқий маҳоратлари билан тенгқурлари ҳамда филиалнинг барча раҳбарлари ва ишчи-ҳодимларини лол қолдирдилар.

— Болаларга аталган байрамлар кўп, — дейди филиал касаба уюшмаси кўмитаси раиси Хусанбой Абдурахимов. — Йил бошидаги байрамнинг ҳам болалар ҳаётида ўз ўрни ва вазифаси борки, биз буни асло унутиб қўймаймиз. Азалий анъаналарга садоқат билан болалар учун ўтказиладиган арча байрамларига янгича рух, янгича мазмун билан сайқал беришга муяссар бўляймиз. 2013 йил — Обод турмуш йилини кутиб олишга бағишланган бугунги тантанамиз ҳам шунинг ёрқин тасдиғидир. Бола парваршидаги оналарга нафақа пуллари берилаётгани, болажонларимизнинг оромгоҳларда беғул дам олдирётганимиздан жамоамиз аъзолари беҳад миннатдор. 2012 йил — "Мустаҳкам оила йили Давлат дастури"га мувофиқ амалга оширган гамхўрликлар ниқёсини Обод турмуш йилида янада кенгайтириш ниятидамыз.

Ҳа, болажонларнинг мусаффо чехраларида эртанги кунимизнинг иқтидорли, заковатли ва ташаббускор ёшларини кўрдик.

Ҳ.САЛЯҲОВА,  
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси транспорт бўлими бошлиғи Насрулло МАНСУРОВ ҳамда Бешкент ТБ электромонтёри Зокир МУРОДОВНИ 55 ёшни, Чирокчи ТБ муҳандиси Умрзоқ МАМАТҚУЛОВНИ 50 ёшни қарин олиншлари муносибати билан самимий табриклаб, уларга узоқ-умр, хонадонларига файзу барака тилайди.

### XABAR-LUG'AT

**ДИСТРИБУТИВ (ИНГЛ. DISTRIBUTIVE)** — ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган шаклдаги дастур маҳсулот. Дистрибутив дискда, одатда, дастурнинг ўзи ҳамда дастурни қаттиқ дискка ўрнатиш ва унинг параметрларини мослаштириш учун мўлжалланган ўрнатувчи бўлади.

**ДОРВЕЙ (ИНГЛ. DOORWAY)** — 1-3 қалитли сўз ёки иборалар учун мақбуллаштирилган саҳифалар. Улар одатда кириш саҳифалари, шлюзлар (gateway) ёки реклама саҳифалари (splash pages) дейилади. Кўп ҳолларда дорвейлар маълум излаш машинаси учун махсус яратилади.



SO'RANG,  
JAVOB BERAMIZ



**БИР САВОЛГА  
ИККИНЧИ ЖАВОБ**

Хурматли газетхон, эсингизда бўлса, газетамизнинг 2012 йил 21 декабр соннда, юқоридаги рукн остида қорақалпоғистонлик муҳлисимиз Ҳ.Амеровнинг "Фарзандларим Тошкент шаҳридаги олийгоҳларда ўқишади. Уларга пулни пластик карточкам орқали жўнатсам бўладими?" мазмунидаги саволи ва ушбу саволга "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директорининг биринчи ўринбосари Хатира Тожибоевнинг жавоби эълон қилинган эди. ОАТ "Алоқабанк"дан ҳам ушбу саволга жавоб олдик:

— Мижоз ўз пластик картасидан бошқа банк пластик картасига ҳам пул маблағини ўтказиши мумкин. Бунинг учун мижоз пластик картани муомалага чиқарган банк филиалига ёзма ариза билан мурожаат этади. Аризада пул маблағини олувчи шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг пластик карта рақами ва ҳисобварак рақами, олувчи банкнинг МФОСис кўрсатилган бўлиши лозим. Шунингдек, On-line тизимида чиқарилган пластик картадан бошқа пластик картага маблағларни ўтказиш инфокиоск ёки банкомат ёрдамида ҳам амалга оширилади.

Хозирги кунда тижорат банклари томонидан On-line тартибда ишловчи янги миллий Smart Vista EMV пластик карталар тизими жорий этилган. Ушбу пластик карталар тизимнинг афзаллиги шундаки, пластик карта ҳисобварағига ўтказилган маблағларни пластик картага кириш қилиш (загрузка) зарурати йўқ. Маблағ ўтказилган вақтдан бошлаб On-line тизимида дастурланган тўлов терминаллари орқали тўловларни амалга ошириш ҳамда пластик карта ҳисобварағидаги маблағ қолдиғини аниқлаш мумкин.

**Наиба МИРЗАЕВА,  
ОАТ "Алоқабанк"  
Пластик карточкалар  
бошқармаси бошлиғи**

**Ўтиш турнирида янги чемпион!**

ФУТЗАЛ

Тошкент шаҳри алоқа корхоналари ўртасида ўтказиб келинадиган "Ўтиш турнири" баҳслари ўз ниҳоясига етди. Мусобақада биринчи бор иштирок этишига қарамай, ёрқин ўйин намойиш этган UZDIGITAL TV компаниясининг футзал жамоаси турнир қолиби бўлди.

**Чорак финал**

Чорак финал ўйинларида фаворит жамоалар ўз устуңликларини яққол намойиш эта олдилар. Деярли барча жуптликларда йирик ҳисоблар кайд этилди. Мухлислар голларга бой ўйинларнинг гувоҳи бўлишди.  
**Ўзбектелеком — ЭМММ — 5:0**  
**Алоқабанк — Матбуот таркатувчи — 10:3**  
**UzDTV — Семурғ — 7:2**  
**МАТБ — Unicon.uz — 7:2**

**Ярим финал**

Финал йўлланмаси учун кураш кескин баҳслар остида кечди. Чунки финалга йўл олган жамоалар, Кубок учун курашиш имкониятидан ташқари, келгуси йилдан бошлаб соҳанинг энг кучли футзал жамоалари қатнашадиган Саралаш баҳсларига йўлланмани қўлга киритишади. Шу жиҳатдан майдонда сўнги дақиқа-

ларгача кураш қизғин бўлди. Якунда, соҳа футзалида тажриба ва маҳоратли ижрочиларга эга "Алоқабанк" ва бу йилги мусобақалар кашфиёти — UzDTV жамоалари финал йўлланмасига эга чиқдилар.  
**МАТБ — UzDTV — 1:3**  
**Алоқабанк — Ўзбектелеком — 3:1**

**3-ўрин учун**

Ярим финалда имкониятни бой берган икки жамоа 3-ўрин учун баҳсда муҳлисларга ажойиб ўйин намойиш этиб бердилар. Голларга бой ўтган ўйинда соҳа ҳарбийларининг қўли баланд келди. МАТБ жамоаси ўтган йили ҳам Ўтиш турнирида учинчи ўринни банд этишганди.  
**МАТБ — Ўзбектелеком — 7:6**



**Финал**

Хал килувчи баҳсда кўпчилик "Алоқабанк"нинг имкониятларини юқори баҳолаган эди. Аммо рақамли телевидение хизматларини тақдим этиш билан шуғулланувчи UzDTV жамоаси банкчилар қаршилиғини синдира олишди ва мусобақада биринчи бор қатнашаётганлигига қарамасдан, Ўтиш турнири қолибига айланишди.  
**UzDTV — Алоқабанк — 3:2**

Шундай қилиб, UzDTV ва "Алоқабанк" жамоалари келгуси йилдан кучлилар қатнашадиган Саралаш турнирида иштирок этишади.

Ушбу баҳслардан сўнг мутахассислар соҳамизда яна бир рақобатбардош жамоа пайдо бўлганини эътироф этишди. UzDTV машғулотларга янада зўр берса, келгуси йилдан соҳанинг бош Кубоги учун ҳам кураша оладиган жамоага айланади.

**ШАХМАТ**

**Шахматчиларимиз  
жаҳонда тўртинчи**

Газетамизнинг ўтган соннда Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида шахарлар жамоалари ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилаётгани ҳақида хабар бергандик. Мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкент шаҳри жамоаси чорак финалда афиналик (Греция) шахматчиларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга чиқди.

Финал оstonасида шахматчиларимиз Хөгевен (Голландия) шаҳри жамоасига имкониятни бой бериб қўйишди ва жаҳонда тўртинчи бўлишди.

**ФУТБОЛ**

**Ўзбек футболчилари —  
дунё тўпурарлари сафида**

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) ташкилоти дунё мамлакатлари миллий чемпионатлари олий лигаларида футболчилик фаолиятини давом эттираётган ва икки юзтадан кўп гол урган футболчиларнинг янги рўйхатини эълон қилди. 2012 йил якунига кўра, тузилган тўпурарлар рейтингига киритилган 19 футболчи орасида энг кўпи — уч нафари ўзбек йигитларидир.

2012 йилдаги мавсумни Наманганнинг "Навбахор" жамоаси таркибиде ўтказган Жаъфар Ирисметов жаҳон тўпурарлари рейтингига саккизинчи поғонага кўтарилди. Футболчимиз 441 учрашувда 240 гол урган.

Фарғонанинг "Нефчи" жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган Анвар Бердиев ҳам жаҳон тўпурарлари қаторига қўшилди. Футболчи умумий голлари сонини бу йил 205тага етказди.

Мавсумни "Олмалик"да якунлаган Зафар Холмуродов ҳам IFFHS рейтингдан жой олди. Тажрибали ҳужумчи фаолияти давомида нақд икки юз марта дарвозанин шғол қилган.

**ТЕННИС**

**Денис Истомин  
чорак финалда**

Ўзбекистонлик теннисчи Денис Истомин Австралиянинг Брисбан интернейшл халқаро мусобақаси чорак финалига чиқди.



Ҳамюртимиз нимчорак финалда мезбон теннисчи — номдор Лейтон Хьюиттни мағлуб этди. Ҳар иккала ўйинда бир хил — 7:5 ҳисоби кайд этилди.

Ҳамюртимиз чорак финалда Энди Маррей (Британия)/Жон Милман (Австралия) жуптлги қолиби билан қорғта чиқди. Маррей мусобақанинг биринчи рақамли ракеткаси ҳисобланади.

**ДЗЮДО**

**Ришод Собиров — дунё  
рейтингида 1-ўринда**

Олимпия ўйинларининг икки қарра бронза медали соҳиби Ришод Собиров 2012 йил якунларига кўра, 60 кг. вазн тоифасида Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) рейтингига биринчи ўринни эгаллади.



Шунингдек, Ўзбекистонлик спортчилардан Рамзиддин Саидов 100 кг.гача вазн тоифасида иккинчи, Наврўз Жўрақобилдов 73 кг.гача вазн тоифасида ва Абдулла Акбаров 100 кг.гача вазн тоифасида еттинчи ўринга лойиқ деб топилди. Хуршид Набиевга эса 73 кг.гача вазн тоифасида тўққизинчи ўрин насиб этди.

**Ўтганларнинг охираги обод бўлсин**

<p>Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси жамоаси Қўмита қотибаси Умида Гулямовага падали бузруквори</p> <p><b>Ҳамдам ШЕРМАТОВ</b>нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.</p>	<p>"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси Олтинсой почта алоқаси тармоғи пенсия бўлими оператори Аҳлиддин АБДУМУРОТ ўғлига отаси</p> <p><b>Абдумурот ЖАМШАТОВ</b>нинг вафоти муносабати билан таъзия изхор қилади.</p>	<p>"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиалининг Пойтуз почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ фахрий почтачиси</p> <p><b>Обиджон ИСОҚОВ</b>нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Қашқадарё вилоят худудий бошқармаси жамоаси вилоят ЭММХ бошлиғи Равшан Шодмоновга уқаси</p> <p><b>Азим ШОДМОНОВ</b>нинг вафоти муносабати билан таъзия изхор қилади.</p>
---	---	--	---





Yanvar		Fevral		Mart		Aprel		May		Iyun	
D	7 14 21 28	D	4 11 18 25	D	4 11 18 25	D	1 8 15 22 29	D	6 13 20 27	D	3 10 17 24
S	1 8 15 22 29	S	5 12 19 26	S	5 12 19 26	S	2 9 16 23 30	S	7 14 21 28	S	4 11 18 25
Ch	2 9 16 23 30	Ch	6 13 20 27	Ch	6 13 20 27	Ch	3 10 17 24	Sh	1 8 15 22 29	Ch	5 12 19 26
P	3 10 17 24 31	P	7 14 21 28	P	7 14 21 28	P	4 11 18 25	P	2 9 16 23 30	P	6 13 20 27
J	4 11 18 25	J	1 8 15 22	J	1 8 15 22 29	J	5 12 19 26	J	3 10 17 24 31	J	7 14 21 28
Sh	5 12 19 26	Sh	2 9 16 23	Sh	2 9 16 23 30	Sh	6 13 20 27	Sh	4 11 18 25	Sh	1 8 15 22 29
Y	6 13 20 27	Y	3 10 17 24	Y	3 10 17 24 31	Y	7 14 21 28	Y	5 12 19 26	Y	2 9 16 23 30
Iyul		Avgust		Sentabr		Oktabr		Noyabr		Dekabr	
D	1 8 15 22 29	D	5 12 19 26	D	2 9 16 23 30	D	7 14 21 28	D	4 11 18 25	D	2 9 16 23 30
S	2 9 16 23 30	S	6 13 20 27	S	3 10 17 24	S	1 8 15 22 29	S	5 12 19 26	S	3 10 17 24 31
Ch	3 10 17 24 31	Ch	7 14 21 28	Ch	4 11 18 25	Ch	2 9 16 23 30	Ch	6 13 20 27	Ch	4 11 18 25
P	4 11 18 25	P	1 8 15 22 29	P	5 12 19 26	P	3 10 17 24 31	P	7 14 21 28	P	5 12 19 26
J	5 12 19 26	J	2 9 16 23 30	J	6 13 20 27	J	4 11 18 25	J	1 8 15 22 29	J	6 13 20 27
Sh	6 13 20 27	Sh	3 10 17 24 31	Sh	7 14 21 28	Sh	5 12 19 26	Sh	2 9 16 23 30	Sh	7 14 21 28
Y	7 14 21 28	Y	4 11 18 25	Y	1 8 15 22 29	Y	6 13 20 27	Y	3 10 17 24	Y	1 8 15 22 29

“Xabar” bilan birga bo‘ling!

<p><b>Xabar</b></p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ</p> <p><b>Бош муҳаррир:</b> <b>Абдусайд КўЧИМОВ</b></p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САҒИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОЛЖАЕВ, Сувоп НАҒБИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>										
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиғи мумкин. Наشرимиздан кўчириб босилганда “Xabar” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилиғига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслидин БҲРИЕВ. Навбатчи: Усмонов Йўлдошев.</p>										
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарилади</p>	<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Г-152 сонли буюртма. Оффет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ, Алади: 18659 нуска.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>									
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 232-97-86</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 224-18-05</p>	<p>Қаршида 931-08-99</p>